

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ**

Қўл ёзма ҳуқуқида

ҒАНИЕВА НОЗИМА НЕМАТЖОН ҚИЗИ

**“Тижорат банкларининг ишлаб чиқариш корхоналари
билан муносабатларини маркетинг тамойиллари асосида
самарадорлигини ошириш йуллари “ мавзусида**

**5A230401 –маркетинг (тармоқлар ва сохалар) мутахассислиги бўйича
МАГИСТР
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар

и.ф.д.проф.А.Солиев

Наманган – 2016 йил

Мундарижа

Кириш	3
I-боб Банк маркетинги ва унинг назарий асослари	
1.1. Хизматлар маркетинги моҳияти ва унда банк маркетингининг хусусиятлари	8
1.2. Тижорат банкларининг бозор иқтисодиётидаги ўрни	16
1.3 Наманган вилоятида тўқимачилик ва енгил саноат ишлаб чиқаришни ривожланиши	28
II-боб Акциядорлик Тижорат Халқ банки Наманган вилоят Тўрақўрғон филиалининг умумий тавсифи	
2.1. Банкнинг умумий фаолияти таҳлили	41
2.2. Банкнинг корхоналар билан кредит муносабатлири таҳлили.	51
2.3. Банкда корхоналарга ажратилган кредитлардан фойдаланиш мониторинги ва унинг самарадорлиги таҳлили	62
III-боб Тижорат банкларининг ишлаб чиқариш корхоналари билан муносабатларини маркетинг тамойиллари асосида самарадорлигини ошириш йуллари	
3.1. Тижорат банкининг аҳолии ва корхоналарга кўрсатаётган хизматлари турлари ва уларни кучайтириш имкониятлари	83
3.2 Тижорат банклари фаолиятида замонавий маркетинг тамойилларидан фойдаланиш йўллари	85
Хулоса ва таклифлар	89
Фойдаланилган адабиётлар	91

Кириш.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим стратегик вазифаларидан бири бир томондан рақобатбардош банк тизимини яратиш бўлса, иккинчи томондан иқтисодиётнинг барча соҳаларида маркетингни самарадорлигини таъминлашдир. Рақобатнинг глобаллашуви ва иқтисодиётимизнинг жаҳон молия бозорига интеграциялашуви, шу билан биргаликда давом этаётган жаҳон молиявий инкирозининг салбий оқибатларини юмшатиш жараёнида банк муассасаларининг хизмат кўрсатиш тизимини қайтадан кўриб чиқишни ва уларнинг рақобат имкониятларидан имкон қадар кенгрок фойдаланишни тақозо этади.

Банкнинг миқдорларига курсатадиган хизматларини кенг куламини яратиш ва кенгайтириш бозор иқтисодиётининг ҳозирги босқичида муҳим ўрин тутди.

Бугунги кунда банк соҳасига берилаётган эътиборни мамлакатимиз Президенти томонидан билдирилган қуйдаги фикрдан яққол сезиш мумкин: «Ўтган йили тижорат банкларининг жами капитали 25%га, 2000 йилга нисбатан эса 46 баробардан зиёдга қупайди. Натижада бугунги кунда банкларимиз капиталининг йетарлилик даражаси 24,3%ни ташкил этмоқда, бу эса банк назорати бўйича Базель қумитаси томонидан 8% этиб белгиланган талабдан 3 баробар қупдир».

Банк соҳасидаги маркетингнинг узига хослиги аввало банк маҳсулотининг хусусияти белгиланади. Бизнинг иқтисодий адабиётларимизда ва амлиётимизда «банк маҳсулоти» термини бозор муносабатларига ўтиш жараёнида юзага келди. «банк маҳсулоти» деганда, банк кўрсатаётган барча хизматлар ёки операциялар назарда тутилади.

Банк иши ҳам бундан мустасно эмас. Банк раҳбарияти ва унинг барча бугинларининг асосий мақсади - миқдорларни жалб қилиш, хизматларни сотиш соҳасини кенгайтириш, бозорни эгаллаш, фойдани оширишдан

иборатдир. Банк маркетингининг муҳим аҳамиятга эгаллиги ана шундадир. Сўнги вақтларда унинг мазмуни ва мақсади, молия бозорларидаги кескин кучаётган рақобат таъсирида сезиларли даражада ўзгариб бормокда.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлашишининг асосий йўналишларидан бири – бозор иқтисодиётига ўтиш, биринчи ўринда молия тизимини соғломлаштириш, банк соҳасини қайта қўриш, молиявий бозорни шаклланиши ва ривожланишига асосланади.

Ўзбекистон банк соҳасига маркетингни сингдириш халқ хужалигининг тузилмалари ва соҳаларининг бозор-шароитига ўтиш жараёни билан бир вақтда амалга оширилмокда. Бу ҳолат нафакат банк фаолиятини фаоллаштишига, балки янги банк тизимини шакллантиришни тезлаштиришга ва бошқа хўжалик субъектларининг бозор шароитига мослаштишига кумаклаштишга йўналтирилган замонавий маркетинг аҳамиятини янада оширади.

Ҳар бир банк раҳбари ёки мутахассиси эндиликда маркетинг бўйича эксперт бўлиши ҳам даркор. Рақобатга бардош бериш учун банклар банк хизматларининг кенг куламини таклиф қилишга мажбур буладилар. Эндиликда улар бутун эътиборларини бозор муҳити асоси сифатида миқозлар эҳтиёжларини энг юқори даражада кондиритишга қаратмокдалар.

Замонавий маркетинг таъсирида банк ва миқоз ўртасидаги муносабатлар ҳам ўзгармокда. Банк олдин омонатчи ва қарз олувчиларга банк маҳсулотларининг маълум бир турларини таклиф қилган бўлса, эндиликда у доимий равишда миқозларнинг алоҳида гуруҳлари, йирик фирмалар, кичик қорхоналар, жисмоний шахслар ва ҳоказо манфаатларига йўналтирилган хизматларнинг янги турларини ишлаб чиқиши керак. Банк фаолиятининг ягона мезони миқозларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари бўлиб қолмокда.

Бозор иқтисодиёти шароитида банк хизматларининг зарурий рақобатбардошлик даражасини сақлаб туриш уларнинг стратегик йўналишларидан бири бўлиб қолади, бундан ташқари банкларнинг ва банк хизматларининг рақобатбардошлиги кўп жихатдан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасини белгилаб берадиган мезонлардан бири бўлган иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот объекти: АТ Халқ банки Тўрақўрғон филиали.

Тадқиқот предмети бўлиб, банкнинг саноат корхоналари билан булган миносабатлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади бўлиб, тижорат банклари билан саноат корхоналари ўртасидаги молиявий ва шартномавий муносабатларни урганиш ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий-услубий тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқот вазифалари: Диссиртацияда тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги илмий, услубий ва амалий вазифалар қуйилди:

- Хизматлар маркетинги моҳияти ва унинг турларини кенгрок ёритиш ва уларнинг хусусиятларини очиқ бериш;
- Тижорат банкларининг бозор иқтисодиётидаги урнини назарий жихатдан очиқ бериш;
- Наманган вилоятида тўқимачилик ва енгил саноатни ривожланиш кўрсаткичлари тахлили самарадорлигини баҳолаш;
- Банкнинг корхоналар билан тузган шартномалари тахлилини утказиш;
- Корхоналар бизнесрежаси ва унинг асосланиши жараёнини очиқ бериш;
- Корхоналарга ажратилган кредит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги тадқиқотини тахлил қилиш;
- Тижорат банкининг корхоналарда курсатаётган хизматлари ва уларни самарадорлигини ошириш ва очиқ бериш;

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари:

- Тадқиқотда банк хизматлари маркетингининг назарий асослари урганилиб, тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари билан булган молиявий муносабатлари мисолида очиб берилади;
- Тадқиқотда тижорат банкларининг тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарига молиявий хизмат курсатиш жараёнларидаги шартномавий муносабатларни бажарилиши тахлил қилинади;
- Корхоналар бизнес режасининг тижорат банкларида кредит ресурсларини ажратиш учун асосий омил ва ҳужжат сифатида баҳоланади;
- Тижорат банкларидан олинган кредит ресурслари самарадорлигини ошириш бўйича илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Тадқиқотда қулланилган усулларнинг қисқача таснифи:

Индукция, дедукция, анализ, синтез, эконометрик, статистик ва эксперт баҳолаш, моделлаштириш ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти:

Диссертацияда банк маркетингининг назарий асослари урганилиб тижорат банкларининг тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари билан узаро муносабатларини такомиллаштириш бўйича услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилади. Тадқиқот натижаларидан маркетинг йуналиши талабалари учун қулланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари:

- Банк маркетингининг назарий тушунчалари очиб берилади;
- Тижорат банкларининг саноат корхоналари билан молиявий муносабатлари моҳияти ва аҳамияти ифодаланади;
- Тижорат банкларида саноат корхоналарини бизнес режаларини тахлил қилиш усуллари асосланади;

- Бизнес режаларини маркетинг талаблари асосида таҳлил қилиниб, кредит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини аниклаш кўрсаткичлари асосланади;

Тижорат банкларининг тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари билан молиявий муносабатларини маркетинг стратегиялари асосида самарадорлигини ошириш йўналишлари асосланади.

Диссертация ишининг таркиби. Магистрлик диссертацияси кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I боб. Банк маркетинги ва унинг назарий асослари

1.1. Хизматлар маркетинги моҳияти ва унда банк маркетинги хусусиятлари

Маркетинг- товар ва хизматлар бозорини урганиш ва ташкил қилиш маъносини билдиради. Шунинг учун унинг гоёлари тамойил ва стратегиялари ҳар бир Мустақил фикр юритувчи инсон ёки фирма , корхона ва барча муассасалар фаолиятида қулланилади. Маркетинг мақсадлари қулами ва қулланилиш соҳалари бўйича бир неча гуруҳларга бўлинади. Аввало, маркетинг истеъмол товарлари маркетинги, ишлаб чиқариш воситали маркетинги ва хизматлар маркетингига бўлинади.

Хизматлар маркетинги барча хизмат қурсатиш жумладан, молиявий-банк хизматларидаги жараёнларни ўз ичига олади.

Хизматлар маркетинги кенг қамровли бўлиб, аҳолига маиший, маърифий, тиббий, техник, коммунал, маданий, алоқа, транспорт, консалтинг, инжиниринг, лизинг ва бошқа хизматлар қурсатиш жараёнидаги бозор муносабатларини илмий- услубий асосларини ҳам ифода қилади. Истеъмол товарлари ва хизматлар маркетингининг ўхшашлиги шундаки, улар тугридан-тугри инсонлар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган,

Хизматлар маркетинги мамлакатимизда жуда катта истикболга эга, Жаҳондаги энг ривожланган мамлакатларда ишга яроқли аҳолининг 65-70 фоизи анна шу хизматлар бозори соҳаларида фаолият қурсатади ва уларнинг иқтисодийётидаги салмоғи ҳам ўша даражада.

Ривожланган мамлакатлардаги банклар қаби бизнинг давлатимизда ҳам тижорат банклари тараққий этиб, улар иқтисодийётимизни қон томирларига айланиб бормоқда . Банк хизматлари маркетинги тижорат банкларининг тезқор стратегик фаолиятларини ривожлантириш, хизматларини қучайтириб бориш, миқозларни қупроқ жалб этиш жараёнларини бошқариш жараёнини ифода қилади. Тижорат банкларининг хизматлари улар ўчун маълум миқдорда

даромад олишга қаратилган. Кейинги йилларда банк хизматларининг турлари ва миқдори купаймоқда, бу соҳа банк фаолиятининг жиддий йуналишига, унинг даромади манбаларидан бирига айланиб бормоқда. Ўзбекистонда тижорат банклари фаолиятининг таҳлили шуни курсатадики, банк даромадида асосий ўринни хар-хил хизматлардан келадиган тушумлар эгалламоқда.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан аҳолига ва хўжалик юритувчи субъектларга курсатилаётган хизматлар миқдори ва сифат кўрсаткичлари жихатидан халқаро банк амалиёти андозалари талабларига жавоб бериши муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатда банклараро рақобат муҳити тўлиқ шаклланмаганлиги миждозларга курсатилаётган хизмат турларини купайтиришга ва сифатини оширишга салбий таъсир қилмоқда.

Тижорат банклари хизматларининг миқдорий тавсифи хизматларнинг миқдори, кўлами ва доираси билан белгиланса, банк хизматларининг сифат тавсифи хизматларнинг сифати, тезкорлиги ва мақсадли амлга оширилиши, миждозларнинг қаноатланиш даражаси билан ифодаланади. Тижорат банклари хизматларининг миқдорий ва сифат тавсифи ҳамда самарадорлиги улар томонидан баҳолаш соҳасида олиб борилаётган сиёсат билан узвий бағлиқдир. Банк хизматлари учун асосланган баҳоларни аниқлаш тижорат банклари учун бозорнинг ўзгарувчан конъюнктурасига мослашиш имконини яратади.

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг 600 дан ортиқ тури мавжуд. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан миждозларга 50 дан ортиқ хизмат турлари таклиф этилади. Банкларимиз томонидан таклиф этилётган хизматлар бўйича тўловлар мустақил белгиланади ва улар хилма-хилдир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон банклари ўз хизматларини ривожлантиришга эришмоқда. Бироқ банклар ўртасидаги рақобат уларни кўшимча миждозлар жалб этиш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар доираси ва сифатини кенгайтириш учун янгича ёндашишга ундамоқда.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида банк хизматлари тобора кенгайиб, сифати яхшиланмоқда, янги истиқболли мижозларни жалб қилишда рақобат кучайиб бормоқда. Тижорат банклари хизматларини ва уларнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш учун банк хизматлари таркибий тузилишини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Банк хизматларини қуйидаги турли мезонлар бўйича таснифлаш мумкин.

1. Мижозлар эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилиши жиҳатидан:

- Тўғридан-тўғри хизматлар (direct services), бнвосита мижозларнинг эҳтиёжларини қондиради, масалан, кредит бериш, тўловларни ўтказиш, ҳисобварақ очиш, инвестицион хизматлар;
- билвосита хизматлар (related services), мижозларга тақдим этилиши билан уларга қулайлик туғдирадиган ва фойдали банк хизматлари, (клиринг хизматлари, хоум банкинг, консалтинг хизматлари, пластик карточкалар ва бошқалар).

2. Мижозларнинг юридик мақоми жиҳатидан банк хизматларини 2 га бўлиш мумкин:

- юридик шахсларга кўрсатиладиган банк хизматлари;
- жисмоний шахсларга кўрсатиладиган чакана банк (ритейл) хизматлари.

3. Банк фаолиятидан келиб чиқиб:

- асосий банк хизматлари;
- қўшимча банк хизматлари фарқланади.

4. Мураккаб даражаси бўйича банк хизматлари ва маҳсулотларини қуйидаги даражага бўлиш мумкин:

1-даражали маҳсулот ва хизматлар-кўпчилик истеъмол қилувчи ва фойдаланувчи банк хизматлари (кредитлаш, депозитлар жалб қилиш, клиринг хизматлари ва бошқалар);

2-даражали маҳсулот ва хизматлар-махсус тайёргарликка эга бўлган банк ходимларини талаб қилувчи хизматлар (активларни бошқариш, инвестицион хизматлар);

3-даражали маҳсулот ва хизматлар-професионал билим ва тажрибани талаб қилувчи хизматлар (корпоратив молия, турли активларни бошқариш);

4- даражали маҳсулот ва хизматлар-молияни режалаштириш, молия инженерияси соҳасидаги махсус билимларни талаб қилувчи хизматлар.

Шуни таъкидлаш лозимки, интернет пайдо бўлиши билан мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ва молиявий операциялар ўтказишнинг янги стандартлари билан ажралиб турувчи банк хизматлари бозори шаклланди. Бунда электрон пулларни жорий этиш, интеллектуал дастур таъминоти ва тармоқ технологияларини такомиллаштириш ривожлантиришнинг истикболли йўналишларидан хисобланади.

Замонавий банк фаолияти шуниси билан ажралиб турадики, банкнинг тижорат соҳасидаги муваффақияти кўпроқ унинг нуфузи ва обрў-эътиборига ҳамда банкнинг сифатли иш фаолиятига боғлиқ. Ушбу омил тадбиркорликнинг бошқа соҳаларига қараганда банк соҳасида анча кучли амал қилади. Бу ҳол, биринчидан, банк хизматлари деярли ҳамма вақт мижозларнинг энг асосий манфаатларига дахлдорлиги, яъни банк томонидан мажбуриятларнинг ҳар қандай бузилиши мижозлар учун ғоят жиддий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги ва аксинча, банк билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиш ката фойда олиш гарови эканлиги билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам банка амалий шерик сифатида ката эътибор қаратилади. Иккинчидан, банк маҳсулотлари бўлмиш хизматларнинг кўпчилиги жисмонан гавдаланмаслиги, демак, истеъмолчига бевосита кўриниб турмаслиги ҳам рўл ўйнайди. Банк мижози бу хизматларни сифати ҳақида фикр юритар экан, кўпинча ўзида пайдо бўлган банк образига, банк ҳақидаги тасаввурига асосланади.

Ҳар қандай банк маҳсулотининг молиявий хизматлар бозорига чиқиши – ҳар доим маҳсулот билан бирга уни таклиф қилаётган банк образининг ҳам бозорга чиқишини билдиради. Агар иккита банк сифати тахминан бор ҳил бўлган, бир турдаги хизматни бир ҳил нарҳда таклиф қилса, бўлажак мижознинг у ёки бу банкни танлаб олишига банкнинг имижи ҳал қилишда

таъсир кўрсатиши мумкин.Бу гап барча бўлажак истеъмолчиларга тегишли,лекин ҳар қандай банк учун бошқалардан кўра матлуброқ бўлган энг маданиятли,бадавлат ва фаол миждозларга айниқса тааллуқлидир.

Шу сабабли,ҳозирги пайтда молиявий масалаларни ва банк мавзуини ҳаққоний ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли биринчи даражали аҳамият касб этмоқда.Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «...бу борада мобиль алоқа,интернет,видеотелефон тизими,рақамли телевидения,замонавий банк хизматлари,лизинг,суғурта,аудит,инжинеринг ва бошқа замонавий хизмат турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда».

Бинобарин,тижорат банклари янги молиявий хизматларни барқарор иқтисодий ўсиш ва рақобатдошликни таъминлайдиган муҳим восита деб ҳисоблайди.Чунки банклар юқори техналогияни мужассамлаштирган янги ққмолиявий хизматларни жорий этмасдан ва сифатини яхшиламасдан молия бозорида самарали фаолият кўрсата олмайди.Дарҳақиқат,молиявий хизматлар сифатини ошириш ва такомиллаштиришнинг инновацион жиҳатлари долзарб муаммо бўлиб,ҳозирги шароитда молия бозорининг рақобат муҳитида молиявий хизматлар сифати энг муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Таъкидлаш лозимки,банк инфратузилмасининг изчил яхшиланиб бориши банкларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишига ижобий таъсир этиб,мамлакатимиз иқтисодиётида бозор механизмларининг мустаҳкамланишига шароит яратмоқда.Ўзбекистон тижорат банклари анъанавий тушиниладиган банк фаолиятининг «соф» соҳасини сақлаб қолган ҳолда иш юритиб,янги молиявий хизматларнинг кенг соҳасида фаолият юритишга босқичма-босқич ўтмоқда.Дарҳақиқат,Ўзбекистонда банкларнинг замонавий молиявий хизматлари бозори дастлабки ривожланиш босқичида турибди. Шунингдек,банклараро рақобатнинг кучайиши,ахборот технологияларининг тараққиёти ҳамда банк хизматларига бўлган таълабнинг

ошиши янгидан-янги банк хизматларини кенг миқёсда жорий этишни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда хусусий банкларнинг банк хизматлари бозорига кириб келиши рақобатни кучайтириб юборди. Банклар шуни эътиборга олган ҳолда маркетинг режасида рақобатбардош шартларда хизмат кўрсатишни асосий йўналиши деб белгилаши лозим. Республика молия бозорида банклараро рақобат иқтисодийнинг ўтиш жараёнида кўрсатилаётган банк хизматларининг айнан ўхшашлиги билан характерланиб, миждозларга хизмат кўрсатиш сифатига қатъий талаблар қўяди. Ушбу шароитда банклар олдида миждозларни сақлаб қолиш ва доирасини кенгайтириш учун адекват чоралар кўриш бўйича вазифалар турибди. Лекин мазкур йўналишдаги банкларнинг асосий ҳаракати юқори технологияни муҷассамлаштирган ҳолда банк хизматлари диверсификация даражасини ва банк хизматлари сифатини ошириш бўйича фаолият ҳисобланади. Бу фаолият тижорат банкларининг истиқболда барқарорлигини кучайтиради, банкрот ҳолатларидан асрайди ва уларнинг бозор муносабатларига мос моделини яратишга асос бўлади.

Ўз навбатида, алоҳида банк хизматига ҳос хусусиятлар мажмуаси уни бошқа кўпгина ўхшаш банк хизматларидан ажратиб туради. Иқтисодий нуқтаий назардан банк хизматининг у ёки бу эҳтиёжни қондириш қобилиятлари тавсифи, банк хизматининг фойдали хусусиятлари мажмуаси банк хизмати сифатини ифодалайди ва бу ҳолат банк хизматини «товар» иқтисодий тушинчасига тенглаштиради.

Банк хизматларининг рақобатдошлилик кўрсаткичи сифат кўрсаткичидан фарқли равишда миждознинг аниқ манфаати ва эҳтиёжларининг қондирилишини таъминловчи хусусиятлар мажмуаси билан аниқланади, бошқа хусусиятлар инобатга олинмайди. Масалан, банк хизматининг сифати янги хусусиятлар бериш ҳисобига сезиларли даражада оширилса, лекин унинг қиймати миждозларнинг асосий гуруҳида жиддий қизиқиш уйғота олмаса, банк хизматининг юқори даражадаги сифатини ва паст даражадаги рақобатдошлилигини кўришимиз мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, интернет пайдо бўлиши билан мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ва молиявий операциялар ўтказишнинг янги стандартлари билан ажралиб турувчи банк хизматлари бозори шаклланди. Бунда электрон пулларни жорий этиш, интеллектуал дастур таъминоти ва тармоқ технологияларини такомиллаштириш ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан ҳисобланади.

Банк хизматлари сифатига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- банк барқарорлиги ва обрўси;
- банк активлари ва капиталининг ҳажми;
- мижоз базаси;
- кўрсатиладиган хизматлар кўлами ва ҳажми;
- мавжуд филиаллар ва уни кенгайтириш истиқболлари;
- реклама сиёсати;
- малакали мутахассисларлар била таъминланганли даражаси ва бошқалар.

Мазкур диссертациянинг амалий материаллари АТ Халқ Банкнинг фаолиятини жумладан, унинг Тўрақўрғон филиали мисолида ўрганилади.

Акциядорлик тижорат Халқ банки Ўзбекистоннинг қадимий банкларидан бири ҳисобланади. Тошкентда бирламчи жамғарма кассалар 1875 йилда ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 1995 йил 4-октябрдаги қарорига асосан “Ўзжамгармабанк” Давлат –тижорат Халқ банки этиб қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25-апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий коорпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармониға асосан банк номи “Акциядорлик тижорат Халқ банки” номиға ўзгартирилди.

Айни пайтда, Хукуматнинг доимий равишда қўллаб-қувватлаши туфайли Халқ банкининг салоҳияти янада ошиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида Халқ банки мамлакат иқтисодиётининг пул-кедит соҳасидаги ислохотлар жараёнида Ҳукуматнинг молия агенти сифатида фаолият олиб бориб, зиммасига юкланган масъулиятли вазифаларни доимий равишда адо этиб келмоқда. Банк ўз салоҳиятини барқарорлаштириш, аҳолининг ишончини қозониш, мамлакат банк хизматлари бозоридаги ўз мавқеи ва ролини мустаҳкамлаш учун барча саъй-ҳаракатларини сафарбар этмоқда.

Бугунги кунда, Халқ банки Ўзбекистон банк тизимининг муҳим бўғини ҳисобланади. Унинг 197 та ҳудудий ва туман (шаҳар) филиаллари, 33 та мини-банк ва 1000 дан ортиқ жамғарма ва махсус кассалари иқтисодиётнинг реал секторига- кичик бизнес субъектлари ва аҳолига кенг қамровли банк хизматлари кўрсатиб келмоқда.

Халқ банкининг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистоннинг кекса фуқароларини нафақалар билан ўз вақтида таъминлашдан иборат. Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига асосан фуқароларнинг давлат пенсия таъминотига қўшимча тариқасида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими йўлга қўйилган. Халқ банки ягона, ўз филиалларини бир-бири билан боғловчи ва етарлича ҳимояловчи электрон база яратиш учун кўп ишларни амалга оширди.

Халқ банки жамоаси доимий равишда ўз олдига янги стратегик мақсад ва вазифаларни қўйиб келади. Айни пайтда мазкур қадам миқдорларга хизмат кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги даражасига чиқишга, рақобатбардош позицияга эришишга, инвестицион жозибадорликни таъминлашга, бошқарув ва технологик жараёнларни модернизациялаш ҳисобига молия хизматлари бозорида қатор кўрсаткичлар бўйича пешқадам позицияни эгаллашга хизмат қилмоқда.

Банк акциядорлари: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги (51%); Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (49%).

Банкнинг рейтинглари: "Standart & Poors" узоқ муддатли ва қисқа муддатли рейтингини В+ даражаси билан тасдиқланди.

1.2.Тижорат банкларининг бозор иқтисодиётидаги ўрни

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда банк тизимини эркинлаштириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилди. Натижада икки погонали банк тизими шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаб ўтганидек: "Банк тизимини ривожлантириш ва мустахкамлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмокда ва бу унинг ижобий натижаларини бермокда. Бироқ бу борадаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиш керак. Нега деганда, айнан банклар таъбир жоиз булса, бутун иқтисодиётимизни озиклантириб турадиган қон томирлари хисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги куп жихатдан уларнинг самарали фаолиятига боглик".¹

Тарихий тараққиёт давомида банклар маблағларни йиғиш, сақлаб бериш, кредит-хисоб ва бошқа турли хил воситачилик операцияларини бажариб келганликлари сабаб, банклар кредит муассаса бўлиб, фойда олиш мақсадида барча рискларни қабул қилган холда операцияларни амалга оширадилар. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасига асосан:

Банк-тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб хисобланадиган куйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган яъни:

-юримдик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш хамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;

¹ Каримов И.А. "Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари". –Т: Ўзбекистон, 2009,-Б53.

-тўловларни амалга ошириш билан шуғилланувчи юридик шахсдир.

Демак, банк барча рискни ўз зиммасига олиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жалб қилиб, банк ресурсларини ташкил қилган ҳолда бу маблағларни муддатлилиқ, қайтариб беришлиқ, тўловлилиқ ва таъминланганлик шартлари асосида ўз номидан жойлаштиради, ҳамда юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоб ва воситачилиқ операцияларини олиб боровчи кредит муассаса ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни 6 та бўлим, 44 та моддадан иборат.

Банк фаолиятининг субъектлари

Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган ҳамма банклар банк фаолиятининг субъектларидир.

Банклар фаолиятининг ҳуқуқий асоси

Банклар фаолияти ушбу Қонун, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги [Қонун](#), бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб борилади.

Банклар ўз фаолиятларида қуйидаги банк операцияларини амалга оширадилар:

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;

омонатларни жалб этиш;

кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шarti билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш.

Банклар бошқа турдаги операцияларни ҳам амалга оширишлари мумкин, чунончи:

мблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;

чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;

пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;

учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;

учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;

қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;

банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш;

жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;

молиявий лизинг;

халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар.

Банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмаслар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Банклар фаолиятини лицензиялаш

Банк, шу жумладан чет эл банки, Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади. Лицензияда банк бажарадиган операциялар рўйхати кўрсатилади.

Лицензиясиз амалга ошириладиган банк фаолияти ғайриқонуний деб ҳисобланади ва бундай фаолият натижасида олинган даромад давлат бюджетига олиб қўйилиши лозим.

«Банк» атамаси ёки мазкур атама қўшиб ясалган сўз бирикмаларини ушбу Қонунга мувофиқ банк операцияларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ташкилотлар ўз фирма номида ёки реклама мақсадларида ишлатишлари мумкин.

Ушбу талабни бузиш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Банклар, қоида тариқасида, мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилади.

Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахслар банк муассислари бўлиши мумкин, башарти, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари бундан мустасно.

Ҳар бир акциядорнинг устав капиталидаги иштирокининг энг кўп улуши қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Банкларнинг акцияларини олиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Банк муассислари банк акциядорлари таркибидан у рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида чиқиб кетиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Банкнинг бошқа банкларнинг устав капиталида иштирокига йўл қўйилмайди, чет эл капитали иштирокидаги банклар ва шўъба банклар ташкил этиш ҳоллари, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

Банклар ўз уставлари асосида фаолият кўрсатадилар.

Банк уставида:

банкнинг (тўла ва қисқартирилган) номи ва қаерда жойлашганлиги (почта манзили);

банк операцияларининг рўйхати;

устав капиталининг миқдори, муассислар рўйхати ва устав капиталидаги улушларнинг тақсимоти;

банкнинг бошқарув органлари, уларни ташкил этиш тартиби, уларнинг ваколатлари ҳамда вазифалари ҳақидаги маълумотлар;

банк аудити тартиби, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига мувофиқ белгиланган ҳисоботлар ва аудиторлик дастурларининг мақсадлари кўрсатилган бўлиши лозим.

Банк уставида, ушбу моддада белгиланган талаблардан ташқари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган маълумотлар ҳам бўлиши керак.

Банк уставига киритиладиган ўзгартишлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Банкнинг устав капитали банк муассислари ва акциядорлари тўлаган пул маблағларидан ташкил топади.

Кредитга ва гаровга олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб этилган маблағлардан банкнинг устав капиталини шакллантириш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Алоҳида ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ банкнинг устав капиталини шакллантириш учун бюджет маблағларидан фойдаланилиши мумкин.

Энг кам устав капитали банк муассислари томонидан уни рўйхатга олиш пайтигача тўланиши керак. Устав капитали учун тўланадиган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида ёки бошқа банкларида очилган жамғариш ҳисобварағига ўтказилади. Кўрсатилган маблағлардан депозит сифатида фойдаланиш мумкин.

Банклар устав капиталининг энг кам миқдори Марказий банк томонидан белгиланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши, банк кенгаши ва бошқаруви банкнинг бошқарув органлари ҳисобланади.

Банк кенгашининг бурчлари қуйидагилардан иборат:

омонатчилар ва акциядорларни ҳимоя қилиш мақсадида банк фаолиятини, шу жумладан кредитлаш ва маблағларни инвестициялашнинг тўғрилигини назорат қилиш;

банк раҳбарларини ишга тайинлаш ва ишдан бўшатиш;
банк капиталининг бир текис ўсиб боришини таъминлаб туриш;
банк сиёсатини ишлаб чиқиш;
қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш.

Банк кенгаши аъзолари камида беш кишидан иборат бўлиши лозим. Акциядорлардан ташқари банк соҳаси олимлари ва мутахассислари ҳам банк кенгаши аъзоси бўлишлари мумкин.

Банкка оператив раҳбарлик қилувчи ва унинг фаолияти учун жавоб берувчи банк бошқаруви банкнинг ижроия органи ҳисобланади. Бошқарув банк кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши олдида ҳисобдордир.

Банклар ўз фойдаларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда турли фондлар ташкил этишлари мумкин.

Банкларнинг пул маблағларини захиралаш соҳасидаги бурчи

Банклар Марказий банкда мажбурий захираларини сақлашлари шарт. Мажбурий захиралар нормативи Марказий банк томонидан белгиланади.

Банкларнинг умумий иқтисодий нормативларга риоя қилиш соҳасидаги бурчлари

Банкларнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банклар Марказий банк томонидан белгиланадиган иқтисодий нормативларга риоя этишлари шарт.

Банклар ўз капитали ва ликвид ресурсларини етарли даражада сақлаб туришлари, активларни таснифлаш асосида шубҳали ва ҳаракатсиз активларга қарши захираларни ташкил этишлари, шунингдек зарар кўриш хавфини камайтириш мақсадида ўз активлари диверсификацияланишини таъминлашлари лозим.

Нормативлар ва уларни ҳисоб-китоб қилиш услубига бўлажак ўзгартишлар амалга киритилишидан камида бир ой олдин Марказий банк томонидан расман эълон қилинади. Устав капиталининг энг кам миқдори

ўзгартирилиши тўғрисида Марказий банк бундай ўзгартиш амалга киритилишидан камида уч ой олдин расман хабар беради.

Банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимлар тузиш

Банкларнинг ўзига алоқадор бўлган шахслар билан ёки улар номидан тузадиган шартномалари ўзига алоқадор бўлмаган шахслар билан тузадиган шартномаларга қараганда анча қулай шартларга асосланса, уларнинг бундай шартномаларни тузиши тақиқланади.

Марказий банк банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимлар тузиш, жумладан уларга кредитлар ажратиш юзасидан чекловлар белгилайди.

банкнинг мансабдор шахси, жумладан банк кенгашининг аъзоси, шу банкнинг бошқа ходимлари, шунингдек уларнинг яқин қариндошлари;

устав капиталининг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдоридан ортиқ қисмига эгалик қилиб турган банк акциядорлари;

устав капиталининг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдоридан ортиқ қисмига эгалик қилиб турган акциядор юридик шахсларнинг мансабдор шахслари, шунингдек уларнинг яқин қариндошлари;

банк юридик шахсларнинг қатнашчиси бўлиб, уларнинг устав капиталидаги улуши ўн фоиздан ортиқ бўлса, мазкур юридик шахслар, уларнинг мансабдор шахслари ва бу шахсларнинг яқин қариндошлари банк билан алоқадор шахслар деб ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган шахсларнинг бири билан алоқадор бўлган шахс уларнинг ҳар бири билан алоқадор деб ҳисобланади.

Банк билан алоқадор шахсга кредит, шунингдек банк билан алоқадор шахс учун кафолатлар ушбу модда талабларини ҳисобга олган ҳолда банк кенгашининг қарорига кўра берилиши мумкин.

Банкларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижросига доир операцияларни бажариши

Марказий банкнинг топшириғига кўра банклар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижросига доир операцияларни бажарадилар.

Банкларнинг кредит ставкалари ва воситачилик ҳақи миқдорини белгилаш ҳуқуқлари

Банк операциялари бўйича фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақи миқдори банклар томонидан мустақил белгиланади.

Давлат дастурларини молиялаш учун Марказий банк томонидан банкларга бериладиган кредитлар бўйича Марказий банк ушбу банклар қарздордан ундириб оладиган фоиз ставкаларининг энг кўп миқдорини белгилаши мумкин, бунда марказлаштирилган ресурслар учун тўлов ва банкларнинг харажатлари ўрнини қоплаш ҳисобга олинади.

Банкларнинг ҳисобот ва бошқа ахборотни тақдим этиш мажбуриятлари

Банклар ўз фаолиятларига доир ҳисобот ва бошқа ахборотни Марказий банкка ўз вақтида тақдим этишлари шарт.

29¹-модда. Банкларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналар банк ҳисобварақлари бўйича ахборот тақдим этиш мажбурияти

Корхоналар олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхоналари эса уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳолларда, деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно, банклар бундай корхоналар тўғрисидаги ахборотни улар ҳисобга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органига тегишли чоралар кўриш учун тақдим этишлари шарт.

Банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисида суд қарори мавжуд бўлган тақдирда, корхоналарнинг ёпилаётган ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиқлари банк томонидан фойдаланиш ҳуқуқисиз махсус ҳисобварақларга киритиб қўйилади, корхонанинг тўланиши учун банкка тақдим этилган кредиторлик қарзи эса, кўзда тутилмаган ҳолатларнинг алоҳида ҳисобварағига ўтказилади.

Корхоналарнинг банк ҳисобварақлари ёпилгандан кейин уларнинг номига келиб тушаётган маблағлар фойдаланиш ҳуқуқсиз махсус ҳисобварақларга киритиб қўйилади.

Фойдаланиш ҳуқуқсиз махсус ҳисобварақларда жамланган маблағлар банклар томонидан биринчи навбатда корхоналарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдидаги қарзларини қоплаш учун, қолган сўмма эса уларнинг кредиторлик қарзини тўловларнинг календарь навбати бўйича қоплаш учун йўлланади.

Корхоналарни тугатиш бўйича махсус комиссия корхона фаолиятини давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилинган ёки белгиланган тартибда тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан эътиборан бу корхонанинг ҳисобварақлари тасарруфи тегишинча корхонанинг ўзига ёки тугатиш комиссиясига ўтади.

Банк операцияларига доир ҳужжатлар

Банклар ҳужжатларни Марказий банк белгилаган тартибда ва муддатда ўз архивларида сақлашлари шарт.

Банклар ва мижозлар ўртасидаги муносабатлар

Банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар шартномалар асосида амалга оширилади.

Мижозлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзлари танлаган битта ёки бир неча банкда миллий валютада ва чет эл валютасида талаб қилиб олгунча сақланадиган депозит ҳисобварақлар очишга ҳақли.

Банклар мижозларга ҳисобварақлар очишнинг Марказий банк белгилаган тартибига риоя қилишлари шарт.

Банкнинг барча хизматлари банк акциядорлари ва бошқа мижозларга тенг шартлар асосида кўрсатилади.

Банклараро операциялар

Банклар шартнома асосида маблағларни депозитлар, кредитлар шаклида бир-бирларидан жалб этиши ва бир-бирига жойлаштириши, ташкил этиладиган ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали

ҳисоб-китобларни амалга ошириши ҳамда лицензияда назарда тутилган бошқа ўзаро операцияларни бажариши мумкин.

Банкларнинг ҳисоб-китоб қилиш тартиби

Банклар ва уларнинг мижозлари ҳисоб-китобларни Марказий банк белгилайдиган тартибда амалга оширадилар. Кўрсатилган тартибни бузганлик учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

Кредитлар қайтарилишини таъминлаш

Банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ кўчар ва кўчмас мулкни гаровга қўйиш, кафолат бериш, кафилликка олиш ва мажбуриятлар асосида кредит берадилар.

Банклар таъминланмаган кредит (эътимодли кредит) бериш ҳақида қарор қабул қилишлари мумкин.

Қарздорларни тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиш

Банкдан олган кредитларини ўз вақтида тўлаш мажбуриятларини бажармаётган қарздорларни банк тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиши ва бу ҳақда матбуотда хабар бериши мумкин. Банк бундай қарздорларни банкрот деб топишни сўраб, хўжалик судида даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга.

Васийликни тайинлаш

Банкнинг муваққат маъмуриятини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Марказий банк васий тайинлайди ва васийлик қилиш ҳақида фармойиш чиқаради. Фармойиш матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Банкнинг олдиндан васийдан розилик олмай қилган ҳаракатлари ҳақиқий эмас.

Васийнинг ваколатлари

Васий банкнинг мансабдор шахслари ва унинг акциядорлари ваколатларига, шунингдек банк аҳволини нормаллаштириш учун зарур чоралар кўриш, жумладан қонун ҳужжатларига мувофиқ филиалларни ёпиш,

мансабдор шахсларни ва хизматчиларни ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Васий исталган пайтда фуқароларнинг депозитлари ва инвестициялари бир йилдан кўп бўлмаган муддатга қисман ёки тўла тўхтатиб қўйилганлигини эълон қилиши мумкин, бунда депозитлар ва инвестицияларнинг тахминий қийматини сақлаб қоладиган чоралар кўрилиши шарт.

Башарти, васийлик вақтида ёки васийлик даврининг охирида банкни соғломлаштиришнинг иложи йўқлиги Марказий банк томонидан аниқланса, у лицензияни чақириб олади ва белгиланган тартибда банкни тугатади.

Банк сир

Банклар ўз мижозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамғармаларига доир маълумотлар сир сақланишига кафолат беради. Банкнинг барча хизматчилари банк, унинг мижозлари ва вакилларининг банк операциялари, ҳисобварақлари ва жамғармаларига доир маълумотларни сир сақлашлари шарт.

Юридик шахслар ва бошқа ташкилотларнинг операциялари ҳамда ҳисобварақларига доир маълумотномалар ана шу ташкилотларнинг ўзига, прокурор, судларга, жиноий иш қўзғатилган бўлса суриштирув ва тергов органларига берилади.

Жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотномалар мижозларнинг ўзига ва уларнинг қонуний вакилларига; мижозларнинг ҳисобварақлари ва омонатларида турган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматбаҳо нарсалар хатланиши, уларга ундирув қаратилиши ёки мол-мулк мусодара этилиши мумкин бўлган ҳолларда юритилаётган ишлар бўйича судлар, суриштирув ва тергов органларига берилади.

Ҳисобварақлар ва омонатнинг эгалари вафот этганда ушбу ҳисобварақлар ҳамда омонатга доир маълумотномалар мазкур ҳисобварақ ёки омонат эгаси банкка топширган васиятномасида кўрсатган шахсларга, вафот этган омонатчиларнинг жамғармаларига доир мерос ишларини

юритаётган давлат нотариал идораларига, чет эл фуқароларининг ҳисобварақларига доир маълумотномалар эса — чет эл консуллик муассасаларига берилади.

Хизмат бурчи юзасидан банк ахборотидан хабардор бўлган шахслар хизмат сирини ошкор қилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Банклар ўз мижозлари бўлган корхоналарнинг операциялари тўғрисидаги зарур маълумотларни улар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлиқ ва тўғри тўлаётганликларини назорат қилиш учун солиқ органларининг сўровига биноан тақдим этади.

Банклар кредит ахборотини кредит бюроларига кредит ахбороти алмашинуви тўғрисидаги шартнома асосида тақдим этади.

Юқоридаги жадвалдан шуни куришимиз мумкинки, 2015 йил январь-декабрь ойларида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар натижасида республикамызда бир нечта янги иш ўринлари яратилган.

Бунда биринчи поғонани Микрокредит банк эгаллаганини кўришимиз мумкин. Микрокредитбанк томонидан ажратилган кредитлар ҳисобига 5114 та янги иш ўрни яратилди.

Агробанк томонидан ажратилган кредит ҳисобига 4103 та янги иш ўрни яратилган, Халқ банки томонидан ажратилга кредит ҳисобига 3124 та янги иш ўрни яратилганини кўришимиз мумкин.

Трастбанк 72 та, Инфинбанк 56 та, Савдогарбанк 14 та янги иш ўрни яратганидан кўриниб турибдики юқоридаги банклар анча сушт ишлаётганини кўришимиз мумкин.

1.3.Наманган вилоятида тўқимачилик ва енгил саноат ишлаб чиқаришни ривожланиши.

Тўқимачилик саноати- турли хилдаги ўсимлик толалари, жун ва сунъий синтетик толалардан турли газламалар, ип ва бошқа махсулотлар ишлаб чиқариш енгил саноат тармоғидир. Тўқимачилик саноати таркибига тўқимачил хом ашёсини дастлабки қайта ишлаш, ип газлама, зиғир , каноп, жун толасидан газлама, шойи , жун газлама, нотўқима материаллар, тўр тўқиш, трикотаж, кигизнамат босиш сохалари киради. Тўқимачилик саноати махсулотлари кийимбош ва поябзал ишлаб чиқаришда , шунингдек, мебел , машинасозлик саноатида ишлатилади. Ўзбекистонда тўқимачилик саноати енгил саноатнинг етакчи тармоғини ташкил этади.

Тўқимачилик саноати корхоналарида тайёрланадиган махсулот турлари оммавийлиги, такрорланувчанлик даражаси ва корхоналарнинг ихтисослаштирилишига кўра якка, серияли ва оммавий ишлаб чиқариш турларига булинади.

Якка ишлаб чиқариш турида бир-биридан фарқ қилувчи хар хил буюмлар ишлаб чиқарилади. Бу буюмларнинг хар бири доналаб тайёрланади. Хаар бир буюм бир-биридан фасони, кўриниши, размери, мавсўмбоплиги, аҳолининг турли гурухларига мослиги, тўқишда ишлатилаётган ипнинг турига кўра фарқланиб, ўзининг технологик ва конструктив хусусиятларига эга.

Серияли ишлаб чиқариш тури маълум вақт ичида , маълум миқдорда бир неча хил турдаги буюмларни катта бўлмаган серияларда навбатма-навбат ишлаб чиқариш билан характерланади. Буюмларни серияли тайёрлашда ишлаб чиқариш шароити индивидуал ишлаб чиқаришдагига ўхшаб бир дон кийим тайёрлагандан кейин эмас, балки навбатдаги кийимлар тўпи ишлаб чиқарилгандан кейингина ўзгаради, бу тўп кийимларни тўқиб бўлгунча технология ўзгармайди.

Оммавий ишлаб чиқариш якка ва серияли ишлаб чиқариш туридан доимий равишда кўп миқдорда бир хил турдаги буюмларни ишлаб чиқаришбилан характерланади. Ишлаб чиқаришнинг бу тури трикотаж саноатида қўлланилади. Оммавий ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш жараёни тараш, қайта ўраш, тўқиш, бичиш, тикиш, бўяш ва пардозлашишларида бажарилади. Бу эса энг илғор усулларни технологик жараёни хама босқичларида маълум иш операцияси бажаришга ихтисослаштириш, ишчилар орасида меҳнатни рационал тақсимлаш, қўл меҳнати қисқартириш, оғир жисмоний меҳнатни енгиллаштириш, янги техникани автомат ва ярим автоматларни қўллаш, ишлаб чиқаришнинг механизациялаштириш ва автоматлаштириш, ишлаб чиқариш майдонларидан яхшироқ фойдаланиш, барча ресурслардан:

- хом ашё;
- материаллар;
- ёқилғи ва электр энергиясидан самарали фойдаланишга имкон яратиб, сехлар ва бутун корхонанинг узлуксиз юқори суръат билан ишлашини таъминлайди;
- ишлаб чиқаришни давом этиш вақтини қисқартиради;
- айланма маблағларнинг айланишини тезлаштирилади ва натижада техник -иқтисодий кўрсаткичларни юқори бўлишини таъминлайди.

Маҳсулот тури, ишлатиладиган толаларнинг хилига қараб тўқимачилик саноати қуйидаги тармоқларга ажралади:

1. Пахта толасига ишлов берадиган корхоналар салмоғи-70%.
2. Жун толаларига ишлов берадиган корхоналар салмоғи-15%.
3. Зиғир поя ва каноп толасига ишлов берадиган корхоналар салмоғи-3-4%.
4. Ипак толасига ишлов берадиган корхоналар салмоғи-5%.
5. Соф сунъий толаларга ишлов берадиган корхоналар салмоғи-7-8%.

Пахта толаси тўқимачилик саноатининг асосий хом ашёси, бошқа табиий толаларга нисбатан пахта толасининг йиғирувчанлик хиссаси юқори. Ундан ип йиғирув фабрикаларида ҳар ҳил йўғонликдаги иплар йиғириб олинади, бу иплардан эса пишиқ, нафис ва чиройли, ранг-баранг газламалар тўқилади.

Тўқимачилик маҳсулотлари хом-ашё турига қараб қуйидагиларга бўлинади:

1. Пахта ипидан тайёрланган тўқималар;
2. Каноп ипидан тайёрланган тўқималар;
3. Жундан тўқиладиган тўқималар;
4. Шойи ипидан тўқиладиган тўқималар.

Пахта ипидан тайёрланган тўқималар.

Пахта ипидан тайёрланган тўқималар бошқа умумий ишлаб чиқариладиган тўқималарнинг 70%дан кўпроғини ташкил этади. Бундай тўқималар ишлатилишига қараб қуйидагиларга бўлинади:

- Ички кийим учун- бўз, чит, мал-мал, шифон тўқималари ишлатилади;
- Сатин- аёллар, болалар кийими, корхона кийими, пахмоқ, чойшаб, эркаклар кўйлаги, астарлик буюмлари сифатида ишлатилади;
- Кўйлакли тўқималарга- шотланка, креп тўқималари, репс тўқималари, маркизет, бумазея, битист, фланел ва ҳоказо;
- Устки кийим тўқималарга диоганал- саржа, бундай тўқималарга корхонада кийиш учун тўқима, техник тўқима ва ҳоказолар киради.

Бундан ташқари ип газламаларга қуйидаги тўқималар киради:

1. астарлик тўқима;
2. тукли тўқима;
3. мебеллар учун тўқима;
4. якка тартибда чиқариладиган тўқима.

Каноп ипидан тайёрланган тўқималар.

Каноп ипидан ишлаб чиқарилган тўқималарнинг артикули 5 (беш) та сондан иборат бўлади. Масалан; 01101, бунда 01- энли жаккард тўқимаси, 1 та тоза каноп, 01- гуруҳдаги тартиб номери.

Бундай тўқималарга қуйидагилар киради:

- полотно тоза канопли;
- полотно аралаш хом-ашёли;
- мебелбоб тўқималар, бу тўқималар майда нақшли ўралишлар ёрдамида олиниб, рангли иплар қўлланилади;
- якка тартибда чиқарилувчи тўқималар чойшаб, дастрўмол, сочик, дастурхон, кўрпа ёпич тўқималар.

Жундан тўқиладиган тўқималар.

Бу тўқималар ишлатилиш вазифаларига қараб:

- костюмлик тўқималар (бостон, креп рангланган);
- палтолик;
- оёқ кийимлик;
- мебел безаклар;
- пайтавалик;
- чойшаблик;
- дастурхонлик тўқималарга бўлинади.

Хом-ашё турига қараб жун тўқималари тоза жунли, аралаш жунли тўқималарга бўлинади.

Ишлаб чиқариш ва ишлов бериш рангланишига қараб:

- бир хилда рангланган, рангланмаган, туки чиқарилган тўқималар;
- мэланж чипор тўқималар;
- ҳар хил рангли, декоратив тўқималарга бўлинади.

Ўрилиш турига қараб – бош ўрилиши, майда нақшли, мураккаб тўқималар ўрилишли, йирик нақшли тўқималарга бўлинади.

Шойидан тўқиладиган тўқималар.

Ишлатиш вазифаларига кўра:

- ички кийимлик (халат, нимча ва ҳоказо);
- кўйлак жик (эркаклар кўйлаги ва бошқалар);
- кўйлаклик-костюмлик;

- устки кийимлик;
- палто, спорт кийимлари;
- астарлик;
- мебел- безаклик;
- тўқимачилик- атторлик: зонтик, шарф, дастрўмол, галстук.

Хом-ашё турига қараб:

1. тоза ипакдан бўлган тўқималар;
2. сунъий ипакдан бўлган тўқималар;
3. синтетик иплардан тўқилган тўқималарга бўлинади.

Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида»ги ҳамда 2011 йил 28 мартдаги «Тўқимачилик саноати корхоналарини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида»ги ПҚ-1512-сонли қарорлари мамлакатимиз енгил саноати тармоғида жуда кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Шу асосда ҳудудларда умумий қиймати 1.7 млрд.доллорга тенг бўлган 55 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, шунингдек, якуний ишлаб чиқариш қувватига эга интеграциялашган тўқимачилик комплексларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Вилоятда тўқимачилик саноати салоҳиятини ошириш, тайёр маҳсулотлар рақобатбардошлигини, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни кенг жорий этиш мақсадида мақсадли дастурлар қабул қилиниб амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йилда «Наманган вилоятини 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури» қабул қилинди ва унга асосан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятимиз дастурлари доирасида енгил саноатни ривожлантиришга юқори этибор қаратилмоқда. Бу борада белгиланган 2013-2015 йиллардаги дастурларда вилоятда 17 та пахта толасини чуқур қайта ишлаган ҳолда тайёр

енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига 121.4 млн. доллорлик инвестициялар ўзлаштириш ва 1123.7 та янги иш ўринлари барпо этиш белгилаб олинган.

Вилоятда бугунги кунда 795 та енгил саноат корхоналари фаолият юритаётган бўлиб, 2014 йил якуни билан 753.9 млрд.сўмлик (ўсиш суръати 111.0%) маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида 38.3% ни ташкил этади.

Вилоятимизда фаолият юритаётган тикувчилик, трикатаж ва поябзал корхоналари томонидан тайёр маҳсулотлар экспорт ҳажми ва жўғрофияси кенгайиб бормоқда. «Пап-Фен», «Иснам интер текс», «Тошбулоқ текс», «Verigrov Ipagi», «Golden hello trade» ҳамда «Хаққ-Текс» каби корхоналаримиз юқори даражада экспорт амалиётини бажармоқда.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни таркиби бўйича таҳлил қилганимизда ҳам 2010-2014 йиллар давомида вилоятда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 2.7 мартага, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари 2.1 мартага, ноозик-овқат маҳсулотлари 2.7 мартага, енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш эса 3.9 мартага ошганини кўришимиз мумкин. (1.3.1-жадвал)

1.3.1-жадвал

Наманган вилоятида истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш.

Млрд.сўм

№	Кўрсаткичлар	2010 йил		2014 йил		2014 йилда 2010 йилга нисбатан ўсиши
		ҳажми	жамига нисбатан %	ҳажми	жамига нисбатан %	
1	Истеъмол товарлари	441,9	100	1198	100	2,7 м
2	Озиқ-овқат маҳсулотлари	270,5	63	569,2	47,5	2,1 м
3	Ноозик-овқат маҳсулотлари	162,4	37	573,6	52,5	2,7 м
4	Шу жумладан: енгил саноат маҳсулотлари	69,5		271,7		3,9

Манба: Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумоти асосида тайёрланди.

Вилоятда енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2014 йилда 753.9 млрд.сўмни ташкил қилади, 2010 йилга нисбатан 126.2 % га кўп демакдир. Енгил саноат маҳсулотларини таҳлил қилар эканмиз вилоятимизда пахта толасини етиштириш 2014 йилда 73186 тоннани ташкил қилган бўлса шундан атига 13545 тоннаси қайта ишланиб калава ип холтга келтирилди холос. Пахта ип газламалар ишлаб чиқариш 2010 йилда 7846 минг пог. Метрни бўлса 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 9985 минг.пог. метр 127.2% ни ташкил қилади. Хом ипак ип тонна 2010 йил 363.7 2014 йилда эса 406.5 тонна 111.7 % га, ипак газламалар 362 минг пог.метр 2014 йилда 405.1 минг.пог. метрни ташкил қилади. 2014 йилда трикотаж мато 852.1 тонна ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йилга нисбатан 135.6 % ни, жун газламалар 138.4 % ни, нотўқима мато 103.4 % ни, трикотаж буюмлари 138.7 % ни, тикувчилик маҳсулотлари эса 203.4 % ни ташкил қилади. Вилоятимизда тўқимачилик маҳсулотларини қайта ишлаш 2014 йилда 2010 йилга нисбатан ўсганини билишимиз мумкин. (1.3.2-жадвал)

1.3.2-жадвал

Наманган вилоятида 2010-2014 йилларда тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлили.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2014 йил	2014 йилни 2010 йилга нисбати %
1	Енгил саноат маҳсулотлари	Млрд.сўм	333,3	753,9	226,2
2	Пахта толаси	Тонна	83659	73186	87,5
3	Калава ип	Тонна	14723	13669	93
4	Пахта ип мато	Минг,пог.м	7846	9985	127,2
5	Хом ипак ип	Тонна	363,7	406,5	111,7
6	Ипак газламалар	Минг,пог.м	362	405,1	111,9
7	Трикатаж мато	Тонна	628	852,1	135,6
8	Жун газламалар	Минг,пог.м	57	78,9	138,4
9	Нотўқима мато	Минг,пог.м	14629	15123	103,4
10	Трикатаж буюмлари	Минг дона	2390	3315	138,7
11	Тикувчилик маҳсулотлари	Млн.сўм	6125	12458	203,4

Манба: Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумоти асосида тайёрланди.

Президентимиз томонидан қабул қилинган 2010 йил 15 декабрдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида»ги ҳамда ПҚ-234 қарор ижроси бўйича Вилоятдаги 11 та корхона томонидан калава ип ишлаб чиқариш 2014 йилда 4208 тоннани ташкил қилиб 2011 йилга нисбатан 6.8 мартага ўсган. «Миришкор», «Норинтекс», «Чортоқ Дайхан текстил» қўшма корхоналар томонидан калава ип ишлаб чиқариш бошқа корхоналардан миқдор жihatдан салмоғи кўплиги билан ажралиб турибди. «Норинтекс» қўшма корхонаси калава ип ишлаб чиқариш хажми 2014 йилда 1370.9 тоннани бу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 5.3 мартага ортди. Корхоналар ичидан энг кам улушни «Томес» МЧЖ 2014 йилда 2.7 тонна, «Барака-нур» ўкув ишлаб чиқариш корхонаси 5.6 тонна жами қуватидан 61 % идан фойдаланган ҳолда калава ип ишлаб чиқармоқда ҳолос. Бошқа бир корхоналарни ишлаб чиқариш қувватларини таҳлил қилганимизда улар ҳам жами қувватдан 60-70 % идан фойдаланмоқдалар ҳолос. (1.3.3-жадвал)

1.3.3-жадвал

Вилоятда калава ип ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти.

№	Корхоналар	Ўлчам бирлиги	2011 й	2012 й	2013 й	2014 й	2014 йилни 2011 йилга нисбати %
	Калава ип жами:	тонна	616,6	1390	3470,2	4208	6,8 м
1	"Наманган ўкув ишлаб чиқариш корхонаси" МЧЖ	тонна	22,7	25,3	30	35	154,2
2	"Бест нам текстиль" МЧЖ	тонна	39,5	39,9	58,9		-
3	"Барака-нур ўкув ишлаб чиқариш корхонаси" МЧЖ	тонна	3,3	4	4,8	5,6	169,7
4	"Ахсин" МЧЖ	тонна	8,3	9,7	9,6	10,6	127,7
5	"Томес" МЧЖ	тонна	1,3	1,5	2,4	2,7	207,7
6	"Косонсой ип-йигирув нотуқима" МЧЖ	тонна	39,2	42	51,3	53,3	135,9
7	"Кушон инвест текс" ҚК	тонна	81,3	81,3	85,8	95,5	117,5
8	"Миришкор" ҚК	тонна		454	821,9	930,2	-
9	"Норинтекс" ҚК	тонна	258,4	331,6	1070	1370,9	5,3 м
10	"Чортоқ Дайхан текстил" ҚК	тонна	500	366,7	1296	1672,8	3,3 м
11	"Чортоқ саховат меҳр муравват" МЧЖ	тонна	25	24	28,9	31,4	125,6

Манба: Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумоти асосида тайёрланди.

Вилоятда ПҚ-234 қарор бўйича пахта ип мато ишлаб чиқарувчилар 2011 йил 64 та корхонани ташкил қилган бўлса 2014 йилга келиб улар сони 93 тага етди. Улар томонидан 2014 йилда 17411.0 минг кв.метр пахта ип мато ишлаб чиқарилди, 2011 йилга нисбатан 41.1 %га ўсди. «Янам текстиль», «Тубо Текстиль», «Файз УММ», «Дегрез текс ЛТД» корхоналари 2014 йилда пахта ип мато ишлаб чиқариш хажми бўйича бошқа корхоналардан кўплиги билан ажралиб туради. «Зухро юлдуз дизайн» корхонаси пахта ип мато ишлаб чиқариш қувати 50 минг кв.метрни ташкил қилади у 2011 йилда 1.6 минг кв.метр, 2014 йилга келиб эса 49 минг кв.метр (30.6 м) мато ишлаб чиқариш қуватидан 99 % га фойдаланди. Пахта ип мато ишлаб чиқарувчи корхоналарни таҳлил қилганимизда калава ип ишлаб чиқарувчи корхоналарга нисбатан ишлаб чиқариш дуватидан, 80-92- фоизга фойдаланаётганини куришимиз мумкин. (1.3.4-жадвал)

1.3.4-жадвал

Вилоятда пахта ип мато ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти.

		Ўлчам бирлиги	2011 й	2012 й	2013 й	2014 й	2014 йилни 2011 йилга нисбати %
№	Корхоналар Жами: пахта ип мато	минг кв.м.	9638	11817	14574	17411	141,1
1	"Дублирин" МЧЖ	минг кв.м.	33,5	49	60	71	211,9
2	"Чошгоҳ" МЧЖ	минг кв.м.	166,7	168,1	200	218,3	130,9
3	"Файз УММ" МЧЖ	минг кв.м.	240	240	400	526,3	219,2
4	"Тубо Текстиль" МЧЖ	минг кв.м.	426,7	450	560	642,6	150,5
5	"Гузал текстиль савдо" МЧЖ	минг кв.м.	346,7	348,2	340	463,1	133,6
6	"Саховат харир текс савдо" МЧЖ	минг кв.м.	206,7	213,2	220	240,1	116,1
7	"Аъзам текс савдо сервис" МЧЖ	минг кв.м.	233,3	240	240	470	201,4

8	"Наманган момик сочиклари" МЧЖ	МИНГ КВ.М.	520	522,7	240	470	90,4
9	"Зухро юлдуз дизайн" МЧЖ	МИНГ КВ.М.	1,6	1,8	40	49	30,6
10	"Садарайхон Текстиль" МЧЖ	МИНГ КВ.М.	106,7	112,8	140	177,1	165,9
11	"Наманган укув ишлаб чиқариш корхонаси" МЧЖ	МИНГ КВ.М.	30,9	20,6	30	36,7	118,8
12	"Само алока мадад" МЧЖ	МИНГ КВ.М.	10,5	11,1	80	92,2	8,8
13	"Дегрез текс ЛТД" МЧЖ	МИНГ КВ.М.	719,9	702	700	860,4	119,5
14	"Обод текстиль савдо" МЧЖ	МИНГ КВ.М.	198,7	85,6	150	160	80,5
15	"Яннам текстиль" МЧЖ	МИНГ КВ.М.	2373,3	2400	2542,7		

Манба: Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумоти асосида тайёрланди.

Вилоятда “Дегрез текс ЛТД” 2014 йилда 10,6 тонна трикотаж мато ишлаб чиқарган бўлса 2011 йилга нисбатан 2,7 тонна (34 фоиз) га куп маҳсулот ишлаб чиқарди. “Супер парафин” (2014 йилда 33 тонна), “Рисликхон шарифжон исмоилжон текстиль” (53 тонна), "Зара Текстиль" (42 тонна) корхонаси ишлаб чиқариш ҳажми бошқаларга нисбата куп. “Ёркатай Тўқимачи” корхонаси 2012 йилда 2,2 тонна, 2013 йилда 6.8 тонна, 2014 йилда 7,8 тоннага 2012 йилга нисбатан эса 3,5 марта куп маҳсулот ишлаб чиқарган. (1.3.5-жадвал)

1.3.5-жадвал

Вилоятда трикотаж мато ишлаб чиқарувдши корхоналар фаолияти.

№	Корхоналар	Ўлчам бирлиги	2011 й	2012 й	2013 й	2014 й	2014 йилни 2011 йилга нисбати %
	Жами: трикотаж мат	тонна	7,9	52,4	141,4	174,4	22 м
1	"Дегрез текс ЛТД"	тонна	7,9	10,2	6,8	10,6	134,1
2	"Зара Текстиль"	тонна		40	36	42	
3	"Ёркатай Тўқимачи"	тонна		2,2	6,8	7,8	
4	“Супер парафин”	тонна			28,6	33	
5	“Рисликхон шарифжон исмоилжон текстиль”	тонна			39,4	53	

6	“Маржона сериал савдо”	тонна			23,8	27,9	
---	------------------------	-------	--	--	------	------	--

Манба: Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумоти асосида тайёрланди.

Вилоятда ПҚ-234 қарор бўйича 2011 йилда трикотаж буюм ишлаб чиқарувчи корхоналар 21 тани ташкил қилган бўлса 2014 йилга келиб уларни сони 23та бўлди. 2014 йилда трикотаж маҳсулотларини “Бунёд текстиль” минг дона 2011 йилга нисбатан 134,1 % ни “Янтекс” корхонаси эса минг дона 167,5 фоизга уганини куришимиз мумкин. “Фотима савдо сервис” ишлаб чиқариш ҳажмини 2011 йилга нисбатан 10 фоизга кам маҳсулот ишлаб чиқарган. 2014 йилда. “Голден ринг” 1,6 минг дона 2011 йилга нисбатан 145,4 фоизни, “Юлдуз” 49,1 минг дона (2,3 марта), “Мухаммад билал текс сервис” 31 минг дона (2,3 марта), Панама текстиль” 123 минг дона (3 марта) “Арма текстиль” 20,8 минг. дона (130 фоиз)ни ташкил қилди. (1.3.6-жадвал)

1.3.6-жадвал

Вилоятда трикотаж буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти.

№	Корхоналар	Ўлчам бирлиги	2011 й	2012 й	2013 й	2014 й	2014 йилни 2011 йилга нисбати %
	Жами: трикотаж мато	Минг дона	1150	1576	3922	4499	3,9 м
1	"Юлдуз"	Минг дона	21,3	25	30	49,1	2,3 м
2	"Голден ринг "	Минг дона	1,1	1,1	1,1	1,6	145,4
3	"Мухаммад билал текс сервис"	Минг дона	13,3	30,4	26,8	31	2,3 м
4	"Мухаммадий текстиль"	Минг дона	6,7	30,5	19,8	33,6	5 м
5	"Бунёд текстиль"	Минг дона	266,7	300	300	357,8	134,1
6	"Панама текстиль"	Минг дона	40	50	50	123	3 м
7	"Арма текстиль"	Минг дона	16	19	19	20,8	130
8	" Алп замин текстиль"	Минг дона	5,3	84,4	65,6	85,2	16 м

9	"Фотима савдо сервис"	Минг дона	1	0,7	0,7	0,9	90
10	"Янтекс"	Минг дона	226,7	239,6	248	379,9	167,5

Манба: Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумоти асосида тайёрланди.

1.3.7-жадвал маълумотларини таҳлил қилганимизда “Агросилк инвест сервис” корхонаси 2014 йилда 26,1 минг кв.метр) ипак мато ишлаб чиқарди, 2011 йилга нисбатан эса 2,7 мартага кўпайди. ”Комилжон-АР” 2014 йилда 7,3 минг кв.метр ипак мато ишлаб чиқариб, 2011 йилга нисбатан 40,4 фоизни, “Исмоилжон Юнусхон текстиль” 7,8 минг кв.метр 2.8 мартани, “Уста Мажидхон” 16 минг кв.метр 148,1 фоизни, "Уйчи -тонги” 14,3 минг кв.метр 136,2 фоизни, “ Ал Азиз Мафтуна бону сервис” 16 минг кв, метрни 149,5 фоизни ташкил қилди.

1.3.7-жадвал

Вилоятда ипак матолар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти.

№	Корхоналар	Ўлчам бирлиги	2011 й	2012 й	2013 й	2014 й	2014 йилни 2011 йилга нисбати %
	Жами: трикотаж мат	минг.кв.м.	98,4	197,4	285	314,6	3,2 м
1	"Агросилк инвест сервис"	минг.кв.м.	9,5	10	24,4	26,1	2,7 м
2	"Комилжон-АР"	минг.кв.м.	5,2	6,4	6,8	7,3	140,4
3	"Исмоилжон Юнусхон текстиль"	минг.кв.м.	2,8	3,3	6,4	7,8	2,8 м
4	"Рислихон Шарифжон Исмоилжон текстиль"	минг.кв.м.	9,7	10,5	10,8	11,6	119,6
5	"Зиёдий инвест"	минг.кв.м.	0,4	0,8	0,8	1,2	3 м
6	"Ойдинкул текс савдо сервис"	минг.кв.м.	7,1	8	88	93,6	13 м
7	"Ал Азиз Мафтуна бону сервис"	минг.кв.м.	10,7	11,2	14,4	16	149,5

8	"Уста Мажидхон"	минг.кв.м.	10,8	14,4	14,4	16	148,1
9	"Еркатай тўқимачи"	минг.кв.м.	21,2	26,4	18	29,4	138,6
10	"Уйчи тонги"	минг.кв.м.	10,5	12,6	12,6	14,3	136,2

Манба: Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумоти асосида тайёрланди.

1.3.8-жадвал. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуватдан фойдаланиш даражаларини таҳлил қилар эканмиз 2013 йилда калава ип ишлаб чиқарувчи корхоналар йиллик қуввати 7302 тоннани ташкил қилган бўлса ундан фойдаланиш даражаси 45,6 фоиз, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 57,6 фоизни ташкил қилди.

1.3.8-жадвал

Вилоятдаги тўқимачилик корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси таҳлили.

№	Корхоналар	Ўлчам бирлиги	Ишлаб чиқариш қуввати	2013 й	Қувватдан фойдаланиш %	2014 й	Қувватдан фойдаланиш %
1	Калава ип	Тонна	7302	3336	45,6	4208	57,6
2	Пахта ип мато	Минг кв.м	17309	14574	84,2	17411	100,6
3	Трикотаж мато	тонна	230	141,4	61,5	174,4	75,8
4	Ипак матолар	минг.кв.м.	425	285	67,1	314,6	74
5	Трикотаж буюм	Минг дона	6229,5	3922	62,9	4499	72,3

Манба: Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумоти асосида тайёрланди.

Пахта ип мато ишлаб чиқарувчи корхоналарни мавжуд қувватдан фойдаланиш даражаси 2014 йилда 100,6 фоизни ташкил қилди, бу эса мавжуд корхоналар ишлаб чиқаришни замонавий техника-технологиялар билан қуроллантириб 90-100 фоизга ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланаётганидан далолат беради.

II боб. Акциядорлик Тижорат Халқ банки Наманган вилоят Тўрақўрғон филиалининг умумий тавсифи.

2.1. Банкнинг умумий фаолияти тахлили.

Халқ банки Тўрақўрғон туман филиали томонидан 2015 йил мобайнида амалга оширилган ишлар натижасида 2016 йил 1-январ ҳолатига:

- банкнинг жами активлари 3.506,9 млн. сўмга ёки 33 фоизга ортиб, 14.214,0 млн. сўмни ташкил этди;
- жами мажбуриятлар ҳажми 3251,6 млн. сўмга ёки 32,3 фоизга ортиб, 13,290,3 млн. сўмга етди;
- кредит қўйилмалари ҳажми жами 1,852,3 млн. сўмга ёки 30,9 фоизга ортиб, 7.615,3 млн. сўмни ташкил этди.
- унинг кредит қўйилмалари ҳажми жами 2015 йил 1 январ ҳолатига 5.763,0 млн. сўмни ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 2016 йил 1 январ ҳолатига 30,9 фоизга ортиб, соғлом кредит портфели 7.615,3 млн. сўмни ташкил этди.

2015 йил давомида филиал томонидан 2088,0 млн сўм даромад олинди ва 1590,2 млн сўмлик харажатлар амалга оширилди. 2015 йил 31 декабрь ҳолатига филиал 497,8 млн сўм, ФЖБПТТ (фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими) хисобидан олинган даромадсиз 103,2 млн сўм соф фойда билан якунланди.

Банкнинг ресурс базасини ошириш бўйича:

2015 йил мобайнида банк ресурс базасини ошириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. 2015 йил 31 декабрь ҳолатига Бошқарувдан жалб қилинган ресурс маблағлари 3.247.1 млн сўм жами кредит портфели (9.207,2 млн. сўм)нинг (пахта ва ғалла кредитларидан ташқари) 55,7,0 % ни ташкил этади. Йил бошига нисбатан Бошқарувдан жалб қилинган ресурс маблағлари 0.752,9 млн. сўмга купайган яъни 4.000,0 млрд сўмни ташкил этади.

Банк янги тасдиқланган таърифларга тўлиқ ўтиш, даромад олишда таърифларга риоя этиш ва филиални фойда билан фаолият юритиши бўйича бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Вилоят Бошқарувнинг 2014 йил 5 июндаги 52/3-сонли қарори билан тасдиқланган Халқ банки тизимида банк хизматлари Таърифига асосан мижозларга хизмат кўрсатилишида мазкур таърифдаги янги меёрлар ўрнатилди. Мазкур меёрларнинг ўрнатилиши банк даромадларини юқори даражада ортишини таъминламоқда. Жумладан, 2015 йил 31 декабр ҳолатига банк филиалларида 579 та хўжалик юритувчи субъектларга банк хизмати кўрсатиб келинмоқда ўртача дебет айланмалар учун 4,1 млн сўм, ойлик абонентлик тўлови учун 58,1 млн сўм банк хизматлари олинди.

2.1.1-жадвал

Халқ банки Наманган вилоят Тўрақўрғон филиалида хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиш орқали олинadиган даромадни янги таърифи.

№	Филиал номи	Фаолият кўрсатаётган мижозлар сони	Янги ҳисоб шартнома тузган мижозлар сони	Маблағларни кўчириш бўйича			Ойлик абонент тўлови бўйича			Жами қўшимча даромад	3-ойлик қўшимча даромад
				Эски шартнома бўйича	Янги шартнома бўйича	Фарқи	Эски шартнома бўйича	Янги шартнома бўйича	Фарқи		
1	Тўрақўрғон	579	579	8	4,1	6	2,7	34,1	1,4	22,7	61,4
	Жами	579	579	8	4,1	6	2,7	34,1	1,4	22,7	61,4

Манба: Халқ банки Наманган вилоят Тўрақўрғон филиали маълумотлари асосида тайёрланди

Хозирги кунга келиб банк мижозларга кредит ажратилишида сканер тизимини жорий қилиниши, биринчи навбатда қуйи филиал кредит қўмитаси аъзоларининг масъулиятини оширди. Бунинг натижасида филиал кредит бўлими ходимлари мижоз молиявий ҳолатини тўлиқ таҳлил қилиб, пухта дастлабки мониторинг ўтказилмоқда. Бунда мижознинг фаолияти, гаровга олинadиган таъминотнинг ҳолати ўрганиляпти. Сканер тизимида биринчи

босқичда фақатгина бирламчи хужжатларни сўралиши мижоз томонидан ортиқча суғурта, нотариус билан боғлиқ бўлган харажатларини кредит ажратилишига рухсат берилишидан аввал қилинишига ва ортиқча оворагарчиликка йўл қўйилмайди. Шунингдек, кредит ажратилишида маблағлар чиқарилиши назоратда бўлганлиги боис кредитнинг мақсадли ишлатилиши таъминланади.

Кредит хужжатларини босқичма-босқич расмийлаштирилиши бўйича кредит бўлими ходимларига вилоят филиалида семинарлар ўтказилиб тушинтиришлар берилди.

Бошқарувнинг 2014 йил 14 июлдаги 66/6-сонли қарорига асосан кредит қўмитаси аъзоларига устама ҳақ белгиланганлиги тўғрисидаги қарори кредит қўмитаси аъзоларини янада масъулият билан ишлашини ва келгусида муаммо бўлиши мумкин бўлган кредитларнинг берилишини олдини олади.

2016-2019 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари асосида 1 та лойиҳани молиялаштириш учун банк томонидан 1,5 млрд сўм кредитлар ажратиш режалаштирилган. 8 та лойиҳани молиялаштириш учун банк томонидан 2,0 млрд сўм кредитлар ажратилиши белгиланган. Ҳисобот санасига дастурга кирган 2 та лойиҳа ("Алп Чинор" ФХ ва Каримжон + Г) га 600,0 млн сўм кредит маблағлари ажратиш режалаштирилган. Саноат дастурида Найманча Транс МЧЖ ва Хайдаров Равшан ХТга 500,0 млн сўмлик 2 та лойиҳа молиялаштириш режалаштирилган.

5. Халқ банки Наманган вилояти Тўрақўрғон туман филиали томонидан 2015 йилнинг ун икки ойи давомида Адлия Вазирлиги томонидан 2013 йил 21 ноябрда 2528-сон билан рўйхатга олинган "Тижорат банкларида Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Ички назорат қоидалари" талабларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ишлар амлга оширилди. Жумладан:

Филиалда "Тижорат банкларида Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Ички назорат қоидалари" талаблари асосида мавжуд миждозлар (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни амалга ошириш тўғрисида тижорат банкига топшириқнома, ариза билан муружаат қилган жисмоний ёки юридик шахслар) бўйича миждозни лозим даражада текшириш ишлари амалга оширилди.

2016 йил 1 январ ҳолатига филиалда жами 5010 та миждозларга ҳисоб рақам очилган бўлиб шундан, юридик шахсларга очилган 55 та ҳисоб рақамлар, баланс ҳисоб рақами ва идентификацияланиши бўйича қуйидагича:

2.1.2-жадвал

Банкнинг миждозларга очилган ҳисоб рақамлар бўйича

Баланс ҳисоб рақами	Филиалда мавжуд миждозлар		
	Сони	Идентификацияланганлар сони	Идентификацияланмаганлар сони
20208	27	27	0
20210	1	1	0
20212	0	0	0
20214	0	0	0
20218	27	27	0
бошқа х/р			0
Жами	55	55	0

Манба: Халқ банки Наманган вилоят Тўрақўрғон филиали маълумотлари асосида тайёрланди

2.1.3-жадвал

Халқ банки Наманган вилоят Тўрақўрғон филиалида мавжуд миждозлар сони

Ҳисоб рақам номи	Филиалда мавжуд миждозлар		
	Сони	Идентификацияланганлар сони	Идентификацияланмаганлар сони
Омонат х/р	247	247	0
Кредит х/р	203	203	0

Халқаро пул ўтказмалари бўйича х/р	574	574	0
Пластик карточкалар бўйича х/р	3851	3851	979
Конверсион операциялар бўйича х/р	0	0	0
Жами	4875	4875	979

Манба: Халқ банки Наманган вилоят Тўрақўрғон филиали маълумотлари асосида тайёрланди

Филиалнинг кассасига 2015 йил мобайнида жами 27. 081,0 млн. сўмлик нақд пул маблағлари кирим қилинди. Наманган вилоят Марказий банки бош бошкармаси томонидан чиқарилган фармоишларга асосан 2015 йил давомида жами 1.310,0 млн сўм миқдорида мадад пуллари олинган ҳамда ўз вақтида биринчи даражали тўловларга яъни пенсия тўловига 10.320,0 млн сўм ҳамда 211,0 млн сўми 2015 пахта терими теримчиларига тарқатиб берилган.

Нақд пул маблағларини ўз вақтида ва узлуксиз берилиши бўйича олиб борилган самарали тадбирлар натижасида жорий йил мобайнида банк миқдорларига жами 13 979,0 млн. сўм миқдорида чиқимлар қилинди. Жумладан, 156,7 млн. сўмлик ижтимоий нафақа ва пенсия тўловлари, 12.838,5 млн. сўмлик омонатлар бўйича тўловлар, 985,0 млн. сўмлик иш ҳақлари нақд пулдаги талаблар бўйича чиқимлар амалга оширилди.

Контингенд тўловлари (MBV,MXX,MЧC) га 2015 йил мобайнида жами 621,0 млн сўм пенсия тўловлари тўлаб берилди.

Бундан ташқари, фуқароларга вақтни тежаган ҳолда маблағларни юклаш, савдо ташкилотларига савдо тушумларини инкассация қилиш имкониятини яратиш учун 1 дона инфокиоск орқали хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Пенсиянерларнинг пластик карталаридан 1,350 млн сўм нақд пул шаклида ҳамда бошқа тўловлар учун берилди. Филиалда Халқаро пул ўтказмалари орқали 2015 йилнинг ўтган даври мобайнида 3 482 нафар фуқароларга 1 465 146 АҚШ доллари етказиб берилди ва бундан банк учун 6 390 АҚШ доллари яъни 17 894.6 млн сўм даромад олинди. Шунингдек, жорий йилнинг

декабрь ойида 402 нафар фуқароларга 135 116 АҚШ доллари етказиб берилди ва бундан банк учун 663 АҚШ доллари яъни 1857,0 млн сўм даромад олинди.

Филиалида Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки Бошқарувининг Халқ банки Наманган вилоят филиалининг туман филиали тасарруфидаги жамғарма, коммунал ва махсус кассаларни қайта рўйхатга олиш тўғрисидаги 2014 йил 3 декабрдаги 127\19-сонли қарорларига мувофиқ 2016 йил 1 январ ҳолатига туман филиалида жами 1 та жамғарма касса, 4 та махсус ва коммунал кассалар ташкил этилди ҳамда уларнинг фаолияти йўлга қўйилди.

Туман филиалида 2015 йил 1 январ ҳолатига жами омонат қолдиғи 1989,8 млн сўмни ташкил этган бўлса, йил бошига нисбатан омонат қолдиғи 1060,3 млн сўмга купайган ҳолда 2016 йил 1 январь ҳолатига 3050,1 млн сўмни ташкил этади ёки омонат қолдиғи йил бошига нисбатан 153,3% га кўпайганини ташкил этади.

2.1.4-жадвал

Халқ банки Наманган вилоят Тўрақўрғон филиалида мавжуд омонатлари тўғрисида маълумот

(млн сўмда)

№	Филиал номи	йил бошига омонат қолдиғи	2016 йил 1 январ ҳолатига омонат қолдиғи	йил бошига нисбатан фарқ (+/-)	йил бошига нисбатан бажарилиши % да
1	Тўрақўрғон	1 989,8	3050,11	+1 060,31	153,3%
	Жами	1 989,8	3050,11	+1 060,31	153,3%

Манба: Халқ банки Наманган вилоят Тўрақўрғон филиали маълумотлари асосида тайёрланди

Халқ банки филиалида ўтган ҳисобот йили давомида мавжуд юқори фойз ставкадаги муддатли омонатлар қолдиқларини камайтириш мақсадида амалга оширилган ишлар натижасида 2015 йил январдан 2015 йил 31 декабрга қадар бўлган давр оралиғида жамғарма омонатлар қолдиғини 44,7

млн сўмга, муддатли омонатлар қолдиғини 62,7 млн сўмга, жами 47,2 млн сўмга камайтирилди.

2.1.5-жадвал

Халқ банки Наманган вилоят Тўрақўрғон филиалида мавжуд омонатлар қолдиғи тўғрисида маълумот

(млн сўмда)

№	Филиал номи	01.01.2015 йил ҳолатига жамғарма омонат қолдиғи	01.10.2015 йил ҳолатига жамғарма омонат қолдиғи	фарқи: ўсиш ва пасайиш	01.01.16 йил ҳолатига муддатли омонат қолдиғи	01.10.015 йил ҳолатига муддатли омонат қолдиғи	фарқи: усиш ва пасайиш	жами: ўсиш ва пасайиш
1	Тўрақўрғон	52,9	44,7	-14,51	62,7	22,1	-38,23	-47,0
	Жами	52,9	44,7	-14,51	62,7	22,1	-38,23	-47,0

Манба: Халқ банки Наманган вилоят Тўрақўрғон филиали маълумотлари асосида тайёрланди

Хисобот йилида банк Бошқарувининг тегишли қарорларига асосан жорий этилган “Омад кулганда 2” тиражли пул-буюм лотерея билетлари ва “Омад куши” лахзалик лотерея билетларидан жами 81.4 млн сўм сотилиб 42,9 млн даромад олинди, “Омад лотто” телевизион тиражли лотереясида жами 5,1 млн сўм сотилиб 3,0 млн даромад олинди.

Бундан ташқари, келгусида ресурс базани мустаҳкамлаш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Филиали томонидан ойлик биринчи даражали тўловлар (ёшга доир пенсия, болали оналарга тўланадиган нафақа, харбий нафақа), бюджет ташкилотларининг иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (24. 023.0 млн. сўм) нафақа пуллари қарийиб 100 % ни (9. 720.0 млн сўм) қарилик пенсиялари 75% банк пластик карталари орқали тўланиб келинмоқда. Жумладан, ёшга доир пенсиянинг 13. 020.0 млн. сўми ёки талабнинг 75 %и, болали оналарга тўланадиган нафақанинг 9. 720.0 млн сўми ёки талабнинг 100 % ни пластик карталар орқали амалга оширилмоқда.

Бунинг натижасида, пластик картага ўтган маблағларнинг мижозлар томонидан ишлатилмасдан қолган қисми банкка % сиз ресурс сифатида қолмоқда. 2015 йил давомидаги мазкур йўналишдаги фаолият таҳлил

килинганда пластик карта ҳисоб рақамларидаги қолдиқ бир ойда ўртача 1.625,0 млн. сўмга ортган, яъни мазкур ҳисоб рақамдаги қолдиқ йил бошига нисбатан 675.0 млн. сўмга ошган ва жорий йилнинг 1 январ ҳолатига 924.0 млн сўмни ташкил этди. Қўшимча ресурсларга эга бўлиш ҳисоби қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

2.1.6-жадвал

Халқ банки Наманган вилоят Тўрақўрғон филиалида миждозларга хизмат кўрсатиш учун ўрнатилган терминаллар тўғрисида маълумот

№	Банк номи	Мижозларга хизмат кўрсатиш учун ўрнатилган терминаллар							Банк омбо-ридаги терминаллар	Жами
		Банк шохоб чала рида	Турғун савдо шохоб чалари ва дориho налари	Аҳоли билан бошқа пуллик ҳисоб-китоблар	Умумий овқатланиш	АЁҚШ	Уяли алоқа хизмати	Жами		
1	Тўрақўрғон	13	69	9	3	6	30	130	46	176

Манба: Халқ банки Наманган вилоят Тўрақўрғон филиали маълумотлари асосида тайёрланди

2.1.7-жадвал

Халқ банки Наманган вилоят Тўрақўрғон филиалида миждозларга хизмат кўрсатиш учун пластик карточкалари тўғрисида маълумот

№	Филиал номи	Мижозларга хизмат кўрсатиш учун ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар			Мижозларга берилган Пластик карточкалар		
		Жами	Банкомат	Инфокиоска	Узкарт	Дуэт	Жами
1	Тўрақўрғон	1	-	1	12300	6422	18722

Манба: Халқ банки Наманган вилоят Тўрақўрғон филиали маълумотлари асосида тайёрланди

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари хақида»ги 595-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида филиал томонидан 2016 йилнинг 1 январ ҳолатига тизимда жами 2420 та корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузилиб, 58180 нафар ходимларнинг анкета маълумотлари қабул қилинган ва шахсий ҳисобварақлари очилган.

2005 йилдан тизимга филиалда 4.415,1 млн сўм жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ўтказилиб, ушбу маблағлар тегишли тартибда Республика Халқ банки Бошқарувига ўтказиб берилди. Шундан 2015 йил мобайнида 871,3 млн сўм маблағ келиб тушган 2005-2016 йил 01-январ ҳолатига тақдим этилган ҳисоботларга асосан базага жами 4.414.5 млн сўм маблағ киритилди, яъни ўтказилган маблағлардан 100 фоизи фуқароларнинг шахсий ҳисоб варақларига жойлаштирилди. 2016 йил 1 чорак учун 225,4млн сўм маблағ келиб тушган 94,5 фоизи фуқароларнинг шахсий ҳисоб рақамларига жойлаштирилди ягона базага киритилмаган 17.5 млн. сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.05.2011 йилдаги 145-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида тизимга ўтказилган маблағлар тўғрисидаги ҳисоботлар электрон тарзда ҳамда интернет тармоғи орқали қабул қилиниб, интернет тармоғи орқали маблағлар ягона базага киритилди.

2016 йилнинг IV-чорак ҳолатига ФЖБПТ тизимида жалб этилган маблағларга 394.5 млн сўм даромад берилди. 2016йил I-чорак 107,8 сўм даромад берилди.

2015 йилнинг IV-чорак ҳолатига белгиланган тартиблар асосида тизим иштирокчиларига 120.3 млн сўм миқдоридаги маблағлар чиқим қилиб берилди.

Туман филиалида ҳозирда 38 та компьютер техникалари мавжуд бўлиб, 2015 йилда аҳолидан каммунал туловлар қабул қилиб олиш ва топшириш мақсадида 5 дона янги компьютер ҳамда ФЖБПТ тизимида 2 дона янги компьютер ва 1 дона янги принтер жами 7 дона компьютер 1-дона принтер техникалари сотиб олинди. Уларга бўлим томонидан доимий равишда дастурий таъминот, техник ва профилактик хизмат курсатиб келинмоқда. Жумладан, тумани филиалидаги “Omad Lotto” ва “Бозор” дастурларини ҳамда “мунис” программаларини ишлаш тизимини мунтазам равишда назорат қилиниб, дастурий таъминотлари буйича амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Мижозларига Интерактив хизматдан фойдаланишлари учун кенг имконият ва шароитлар яратилган. Жумладан, 2016-йил 1 январ ҳолатига 1 та мижоз “INTERNET-banking” 5 та мижоз “ДБО УП (UYALIPUL)” ва 79 та мижоз “СМС-хабарнома” хизматларидан самарали фойдаланиб келишмоқда. Ҳозирда “INTERNET-banking” ва “СМС-хабарнома” хизматида уланувчи мижозлар сони ортиб бормоқда. Бу эса уз навбатида банк даромадини ошишига салмоқли хисса қўшади. (жадвал илова қилинади).

Бундан ташқари аҳолига қулайлик яратиш мақсадида, коммунал туловларни қабул қилувчи “МУНИС” (межбанковская универсальная неттиговая интегрированная система) ҳамда “Комунал онлайн” дастурлари ишга туширилиб ҳозирда шаҳар ва туман филиалларида туловларни нақд пул ва пластик карточкалар орқали қабул қилиш йўлга қўйилган.

Филиалларида “Халқаро Пул ўтказмалари” дастурлари янгиланиб, амалиётни бажариш тезлиги сезиларли даражада оширилди.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг кредит папкаларини тақдим этиш буйича “Гаров уз реестри” ва “Is-Dsr” онлайн дастурлари ишга туширилди. Бунинг натижаси кредит папкаларини Бошқарувга тақдим этиш тезкор равишда амалга оширилмоқда.

Республика Халқ банки Бошқаруви томонидан Антивирус дастури назорати учун сунги русўмдаги Компьютер техника олинди. Ҳозирда

“Kaspersky Security Center” ва “NetworkAgent” марказлашган Антивирус дастурлари ишга туширилиб, “Базаси” кунлик янгиланиб борилмоқда.

Филиалнинг ходимлар билан иш олиб бориш бўлими томонидан 2016 йил январ ҳолати бўйича кадрлар захираси билан ишлаш, уларни танлаш, жой-жойига қўйиш, кадрлар кўнимсизлигини камайтириш ва билим малакаларини ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хафтанинг ҳар сешанба куни қисқа муддатли семинарлар ташкил этилиб, тажрибалар алмашилди. 2016 йил январ ойи кўра туман филиалида штат жадвали бўйича жами 37 нафар, ҳақиқатда ҳозирда ишлайдиган ходимлар сони жами 37 нафар, Шулардан, туман бўйича олий маълумотлилар 15 нафар, ўрта махсус маълумотлилар 22 нафар, иқтисодий лицейлар ва бизнес мактабларни тамомлаган ўрта маълумотлилар 1 нафарни ташкил этади. Жами ходимларнинг 15 нафарини аёллар ташкил этади. Туман филиали бўйича вакант ўринлар мавжуд эмас. 2016 йил январ ҳолатига Марказий банк номенклатурасига қирувчи раҳбар ходимлар бўйича бўш ўринлар мавжуд эмас.

2.2. Банкнинг корхоналар билан кредит муносабатлири тахлили.

АТ Халқ банкининг Тўрақўрғон филиали кредит бўлими томонидан кредитлар банкнинг ички тартиби бўлимиш **“АТ Халқ банк хўжалик юритувчи субъектларига кредитлар бериш тўғрисида Низом”** га асосан берилади.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунига, ва бошқа кредит бериш бўйича қонунларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Банк хўжалик юритувчи субъектларга кредитларни мазкур Низомга мувофиқ, кредитлар қайтарилиши, фойзлилиги, таъминланиши, муддатлилиги ва банк ажратган маблағларни мақсадли фойдаланиши шартлари асосида беради.

Кредитлар юридик шахс мақомини олган хўжалик субъектларига ҳамда юридик шахс мақомини олмаган якка тартибдаги тадбиркорларга ҳам берилади. Кредит қарз олувчида товар-моддий бойликларга ёки курсатилган хизматлар хакини тулаш учун зарур оборот маблағлари етмаган ҳолларда, нормал хўжалик фаолияти олиб бориш мақсадида, шунингдек инвестиция лойиҳаларни молиялаш учун берилади.

Фермер хўжаликларига, кичик бизнеснинг ўз фаолиятини юридик шахс мақомини олиб юритувчи бошқа субъектларига ҳамда юридик шахс мақомини олмасдан фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорларга, деҳқон хўжаликларига микрокредитларни банк микрокредитлар бериш учун қонунларда белгиланган қоидаларга ҳамда микрокредитлашга доир низомларга мувофиқ беради.

Жисмоний шахсларга кредитлар (истеъмом кредитлари)ни шунингдек, инвестиция лойиҳалари учун кредитларни банк узининг махсус низомларига мувофиқ беради. Кредит банк томонидан кредит шартномаси асосида пул шаклида берилади.

Банк филиалида бўлажак қарз олувчидан мазкур низомга мувофиқ равишда кредит ҳужжатларини юритиш учун зарур бўладиган барча ахборотнинг талаб этилаяпти.

Банкда қарз олувчиларга кредит беришни шартнома асосида амалга оширади. Берилаётган кредитларнинг муддати кредитланаётган тадбирни копланишига боғлиқ бўлади, шунингдек:

- кичик бизнес субъектларига айланма маблағларни тулдириш учун бериладиган кредитлар, одатда, 1 йилгача булган муддатда берилади;
- кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун фермер хўжаликларига, шунингдек юридик шахс мақомига эга булган деҳқон хўжаликларига айланма маблағларни тулдириш учун бериладиган кредитлар, одатда 2 йилдан кам булмаган муддатга берилади;

- кичик бизнеснинг барча субъектларига, шу жумладан юридик шахс макомига эга булган фермер ва дехқон хўжаликларига инвестицион лойиҳаларни молиялаш учун бериладиган кредитлар қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз 5 йилгача муддатга берилади;
- Инвестиция мақсадлари учун берилган кредитлар бўйича банклар имтиёзли давр белгилашлари мумкин. Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ствқалари миқдори қарз олувчи ва банк ўртасида узаро келишувга қўра кредит шартномаси асосида белгиланади;
- Зарар қўриб ишловчи, ноликвид балансга эга булган хўжалик юритувчи субъектларга кредит берилмайди, берилган кредитлар ўрнатилган тартибда муддатидан олдин ўндириб олинади. Бу қоида кредит шартномаларида қайд этилган.

Банкдан кредитларни олиш учун қарз олувчилар банкда қўйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

- кредит бўйўртмаси;
- қарз олувчининг банк ҳисобварағидаги пул тушумлари тахмини пул оқими қўрсатилган бизнес – режаси;
- охириги ҳисобот санасига давлат солиқ хизматининг маҳаллий идораси томонидан тасдиқланган бухгалтерлик баланси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотнома шўнингдек 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорликнинг солиштирма далолатномалари, молиявий натижалари ҳақида ҳисобот. Дехқон хўжаликлари бундан истисно қилинади.

Берилган кредитни қайтармаслик ҳатарининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи тез ва эркин сотилиш талабларига жавоб берадиган таминотга эга бўлиши керак.

Қарз олувчи банкка қўйидаги таъминот турларининг бирини тақдим этиш ҳуқуқига эга:

- мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;
- банк ёки суғурта ташкилоти қафолати;
- ўчинчи шахснинг қафиллиги;

- суғурта кампаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтара олмаслик хатарини суғурта қилгани туғрисидаги суғурта полиси;

Банк, узлари билан доимий алоҳага эга бўлган, банк ҳисобрақамида мунтазам пул оқими мавжуд, яхши оброу ва кредит тарихига эга қарз олувчиларга, таъминотни талаб қилинмай, бланкали ишончли кредит бериш ҳуқуқига эгадирлар. Лекин Миллий банк Юнусобод филиалида бундай кредитлар мавжуд эмас экан.

Кредитларнинг қайтарилиш таъминоти шаклларида бири сифатида мол – мулк гарови хизмат қилади. Кредит ҳисобига сотиб олинган мулк, унинг қийматини 80 фоизли миқдорида, мазкур кредит бўйича гаров предмети бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 299-моддасига мувофиқ қарор қилинган берувчининг ёзма мажбурияти шаклида расмийлаштирилади. Кредит пакетини таҳлил қилиш чоғида банк кредит қилинувчининг ҳар хил ҳолатларини, қарз олувчининг кредит тарихини, унинг раҳбарининг обросини олдинги иш жойини, лаёқатлилиги, илгари олинган кредитларнинг уз вақтида қайтарилганлиги қўриб чиқилади.

Талаб қилинган ҳужжатлар тупламини олиб, уларни синчиклаб урганиб чиққач, кредит бўлими маъсул ходими қарз олувчининг кредит қобилиятини ва тулов лаёқатини аниқлайди ҳамда кредит битими тузиш мумкин ёки мумкин эмаслиги туғрисида ҳулоса тайёрлайди.

Унда қуйидагилар акс этади:

- кредит мақсади, муддати ва миқдори
- қарз олувчи устав фаолияти кредит мақсадларига мослиги
- қарз олувчининг кредит қобилияти
- қарз олувчининг кредит тарихи
- қарз олувчининг асосий қарз ва унинг фоизлари уз вақтида туланишини таъминлаш бўйича молиявий имкониятлари
- кредит нархи (фоизлари)
- кредит таъминоти етарлилиги, бут сакланиши ва назорат қилина олинishi

- кредит бериш билан боглик хатар даражаси
- кредит шартномаси кучга кириши шартлари

Банкнинг тегишли кредит бўлинмаси масъул ходими тайёрлаган ва бўлинма рахбари имзо чеккан хулоса кредитлашга доир хужжатлар тўпламини илова қилган ҳолда кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда кредит кўмитасига топширилади. У тегишли қарор қабул қилганидан кейин кредит шартномаси тузилади ёки қарз сўровчига кредит беришдан бош тортилган, ёзма шаклдаги асосли рад жавоби юборилади.

Қарз олувчи Кредит шартномасида белгиланган алохида шартларни бажарган тақдирда уни Банк ва қарз олувчи раҳбарлари имзолаган вақтдан бошлаб кучга қиради ҳамда томонлар кредит шартномаси бўйича барча мажбуриятларни бажариб бўлгунча амал қилади.

Кредит шартномасида қуйидагилар кўзда тутилади:

- кредит сўммаси ва мақсади, уни бериш ва қайтариш тартиби;
- кредит бўйича мажбуриятлар таъминотининг тури ҳамда баҳоланган қиймати;
- фоиз ставкаси, фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби;
 - томонларнинг кредит бериш ва уни қайтариш чоғидаги ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги;
 - кредит бериш учун зарур маълумотлар, ҳисоб-китоблар ва бошқа хужжатлар рўйхати ва уларнинг даврийлиги;
 - банкнинг қарз олувчи кредит битими шартларини бажариши, кредитдан мақсадли фойдаланиши ва уни қандай ўзлаштираётгани масалаларини текширишга доир ҳуқуқи;
 - томонларнинг бошқа мажбуриятлари.

Кредит шартномаси кучга кирганидан кейин тегишли кредит бўлинмаси бухгалтерияга қарз ҳисобварағи очиш тўғрисида шу бўлинма бошлиғи ва масъул ходими имзолаган фармойиш беради. Фармойишда бериладиган кредит миқдори, уни қайтариш муддатлари ва фоиз ставкаси,

инвестиция мақсадлари учун бериладиган кредитлар бўйича эса, кредит юзасидан хизмат кўрсатиш техникавий тартиби ҳам қайд этилади.

Қарз олувчи тўловга лаёқатсиз деб топилган, у кредит қайтарилишини таъминлашга доир ўз мажбуриятларини бажармаган, кредитдан шартномада кўзда тутилмаган мақсадларда фойдаланган ҳолларда, шунингдек шартномада кўзда тутилган бошқа ҳолатларда банк кредит шартномасида назарда тутилган кредитни қарз олувчига бутунлай ёки қисман бермасликка ҳақлидир.

Кредит қарз ҳисобварагидан берилади.

“Кредит йўналиши очиб” кредитлашда қарз олувчи кредит шартномасида кўрсатилган кредит сўммасида муддатли мажбуриятнома расмийлаштиради. **“Кредит йўналиши очмасдан”** кредитлашда қарз олувчи амалда берилган кредит сўммасида муддатли мажбуриятнома расмийлаштиради. Агар кредит бир неча тўловлар билан берилса, унда муддатли мажбуриятнома навбатдаги ҳар бир тўлов сўммасига расмийлаштирилади. Муддатли мажбуриятнома бухгалтерияга топширилади ва кредит тўлик қайтарилгунича ҳисобварағлар режаси бош дафтарининг 91900 “қарз олувчиларнинг қарз мажбуриятлари” коди бўйича қўтилмаган вазиятлар ҳисобварагида қайд этиб турилади.

Кредитдан қўзланган мақсадларда фойдаланилаётганини жойнинг ўзига бориб текшириш ишлари Банкнинг тегишли кредит бўлинмаси ходимлари томонидан АТ Халқ Банки 1998 йил 17 мартда тасдиқлаган Кредитларни мониторинг қилиш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

Агар кредитдан ноўрин фойдаланилаётган бўлса, у Кредит шартномаси шартларига мувофиқ муддатидан олдин ундириб олинади.

Кредит миқдор билан тузилган Кредит шартномасида кўзда тутилган муддатлар ва тартибда қайтарилади. Бунда қарз олувчи қарзни мустақил ўтказмалар билан тўлашига қўшимча равишда Банкка қарзни тўлашнинг қуйидаги тартиби белгилаб қўйилиши мумкин:

-мажбуриятларни бажаришнинг етиб келган муддатлари бўйича – кредит бўйича карзни Кредит шартномаси шартлари асосида ва Ўзбекистон Республикаси конунларининг талабларига мувофиқ, карз олувчининг банкдаги ҳар қандай ҳисобварақларидан Банкнинг акцептсиз тўлов талабномаси орқали ундириб олиш йўли билан;

- Банк билан келишувга кўра муддатидан олдин – карз олувчининг “Талаб қилиб олингунча” депозит ҳисобварағидаги бўш маблағ қолдиғини унинг тўлов топшириқномасига кўра карз ҳисобварағига киритиш орқали;

- шартнома шартлари бузилган ҳолларда – Банк карз олувчининг ҳар қандай ҳисобварағидан карзни ўз тўлов талабномаси билан муддатидан олдин ва акцептсиз ундириб олиш борасидаги ўз ҳуқуқидан фойдаланиши йўли билан;

- муддати ўтган карздорлик бўйича – карзни таъминот, шу жумладан қамиллик, қамолат, суғурта васикаси ҳисобидан, шунингдек гаровга қўйилган мулкни сотишдан тушадиган маблағлар ҳисобидан ундириб олиш.

Карзни қайтариш муддати тугаб, карз олувчида пул маблағлари бўлмаган ҳолларда кредит муддати ўтган карзлар ҳисобварағи орқали ундиришга тақдим этилади, унга доир мажбуриятнома эса 2-картотекага қўйилиб, календарь навбати таркибида сўндирилиши керак бўлади.

Кредитлар бўйича фоиз ставкаси Банк кредит сиёсатида асосланиб, карз олувчи билан ўзаро келишилган ҳолда белгиланади. Фоизларни тўлаш муддатлари кредит шартномасида белгиланади.

Қарзни қайтаришда тўловлар навбати қуйидагича белгиланади:

- а) банк воситачилик ҳақи бўйича муддати ўтган тўловлар;
- б) кредит учун фоизларга доир муддати ўтган тўловлар;
- в) асосий карз бўйича муддати ўтган тўловлар;
- г) банк воситачилик ҳақи бўйича муддатли тўловлар;
- д) кредит учун фоизларга доир муддатли тўловлар;
- е) асосий карз бўйича муддатли тўловлар.

Банк томонидан таъминот сифатида қабул килинган мулк амалдаги конунлар доирасида Банк билан мулкдор ўртасида тузиладиган **ипотека шартномаси** (бинолар, иншоотлар ва ер) ёки **гаров шартномаси** (таъминот сифатида қабул қилишга рухсат этилган бошқа мулк турлари) билан расмийлаштирилади.

Гаровга қўйилаётган мулк қарз олувчининг ёки бошқа шахснинг маблағлари ҳисобидан Банк фойдасига суғурта органларида суғурталаниши керак. Бунда тегишли суғурта пули ўтказилиб, Банкка тўлақонли суғурта васикасининг нусхаси тақдим этилганидан кейин кредит берилади.

Қарз олувчи кредитни қайтаришга доир ўз мажбуриятларини бажармаса, Банк “Гаров тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ қарзни гаров предмети ҳисобидан ундириб олишга ҳақли.

Юқори даражада ликвид ҳисобланадиган **қимматли қоғозлар** ҳам гаров предмети бўлиши мумкин. Буларга қуйидагилар киради:

- давлат қимматли қоғозлари;
- акциялар ва облигациялар;
- бошқа эмитентларнинг депозит сертификатлари.

Қимматли қоғозлар гаровга қўйилиши гаров шартномаси билан расмийлаштирилади. Банк қарз олувчининг ҳамда қимматли қоғозлар эмитентининг молиявий ахволини мониторинг қилади ва агар зарурат бўлса, қарз олувчидан кредит қайтарилишини ёки гаров сўммаси қўпайтирилишини талаб қилади.

Қарз олувчи тўловга лаёқатсиз бўлиб қолса, унинг қарзини тўлашга розилиги тўғрисида **учинчи шахс берган кафиллик** кредит таъминоти бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу ҳолат Кафил, қарздор ва қарз олувчининг банки ўртасидаги кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади.

Кафиллик шартномасида қарз олувчи Банк олдидаги ўз мажбуриятларини кредит шартномасида белгиланган муддатларда

бажармаган тақдирда Кафил унинг кредит бўйича бу қарзларини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олиши белгилаб қўйилади.

Агар Кафиллик шартномасида бошқа ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, Кафил Банк олдида қарз олувчининг кредит шартномасидан келиб чиқадиган барча мажбуриятлари, жумладан фоизлар тўлаш, қарзни ундиришга доир суд чиқимларини ҳамда қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажармагани ёки чала бажаргани оқибатида Банк кўрган бошқа зарарларни қоплашга доир барча мажбуриятлар бўйича жавоб беради. Тўловга лаёқатли субъект сифатида бенуксон обрўга эга юридик шахслар ҳам, жисмоний шахслар ҳам Кафил бўлишлари мумкин.

Кафиллик шартномасини кредит таъминоти учун қабул қилаётганида Банк Кафилнинг молиявий аҳоли ва тўлов қобилиятини таҳлил қилиши ва ижобий ҳулосага келинсагина, Кафиллик шартномасини кредит таъминоти сифатида қабул қилиши керак. Банкнинг кредитловчи бўлинмаси кредитлаш жараёнида ҳам Кафилнинг молиявий аҳолини таҳлил қилиб боради ва бу ҳолат Кафиллик шартномасида айтиб ўтилади. Кредит учинчи шахс Кафиллиги билан таъминланадиган ҳолларда кредит шартномасига мустақил аудитор ҳулосаси илова қилиниши, бу ҳулосада Кафилнинг молиявий аҳоли қарз олувчининг қарзи қопланишини таъминлайдиган даражада яхши эканлиги тасдиқланган бўлиши керак. Шунингдек, Кафилнинг раҳбари кредит қайтарилишини таъминлаш учун тақдим этилган Кафиллик шартномасини имзолаш ваколатига эга эканлигига ишонч ҳосил қилиш тавсия этилади.

Банк кредит қайтарилиши таъминоти сифатида **Банк фойдасига суғурталаш** учун тегишли ваколати бор Суғурта компанияларининг кредит қайтарилмаслиги хатаридан суғурталаш бўйича суғурта васикаларини қабул қилиши мумкин. Кредит суғурта васикаси билан таъминланаётганда фақат суғурта тўлови Суғурта компаниясининг банк ҳисобварағига ўтказилиб, Банкка суғурта васикаси тақдим этилганидан кейин кредит берилиши

мумкин. Суғурта васиқасида агар қарз оловчи Кредит шартномасида белгиланган муддатларда кредитни ва унинг фоизларини тўламаса, Суғурта ташкилоти бу тўловларни ўзи коплаши юзасидан мажбурият олгани ёзилган бўлиши керак.

АТ Халқ банки Тўрақўрғон филиалининг кредит портфелининг тахлили натижасида қуйидагилар аниқланди.

2016 йил 1 феврал ҳолатига АТ Халқ банкида жами кредит қуйилмалари 2.860,6 млн. сўмни ва жами кредитлар сони 208 тани ташкил этади. Муддати утган кредитлар мавжуд эмас. Бўлим кредит портфелининг барча сўммалари миллий валютада ажратилган кредитлардан иборат. Уртача фоиз ставкаси филиал бўйича 20,5% қилиб тақсимланган.


2.2.1-жадвал.

АТ Халқ банки Тўрақўрғон филиали томонидан берилган кредитларни тақсимланиш (муддати бўйича)

(млн. сўмда)

Муддати бўйича	01.02.05	%	01.02.04	%	Фарқи	%
Киска муддатли	1 319,8	44,70%	1 573,1	63,43%	-253,3	-16,10%
Узок муддатли	1 472,7	55,30%	907,0	36,57%	725,7	80,01%
Муаммоли кредитлар (муддати узайтирилган)	0	0,00%		0,00%	0,0	-
Жами	2 952,5	100%	2 480,1	100%	472,4	19,05%
Захира	91,9	3,11%	103,8	4,18%	-11,9	-11,44%
Жами соф кредит	2 860,6	96,89%	2 376,3	95,82%	484,3	20,38%

Манба: Халқ банки Наманган вилоят Тўрақўрғон филиали маълумотлари асосида тайёрланди



2.2.1-диаграмма. АТ Халк банки Тўрақўрғон филиали томонидан берилган кредитларни тақсимланиш

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, кредит қўйилмалари утган йилнинг шу кун ҳолатига нисбатан 472,4 млн. сўм миқдорига ошган ва унинг салмоғи узоқ муддатли кредитларга туғри келади. Киска муддатга ажратилган кредитларда 253,3 млн. сўмга пасайиш кузатилган.

2.2.2-жадвал.

АТ Халк банки Тўрақўрғон филиали томонидан берилган кредитларни мижозларни мулк шакли бўйича тақсимланиши.

(млн. сўмда)

Мулк шакли бўйича	01.02.05	%	01.02.04	%	Фарқи	%
Жисмоний шахслар	566,3	19,80%	159,6	6,72%	406,7	254,82%
Хусусий тадбиркорлар	21,2	0,74%	30,6	1,29%	-9,4	-30,72%
Хусусий корхоналар	2 013,1	70,37%	2 057,6	86,59%	-44,5	-2,16%
Давлат ташкилотлари	0,0	0,00%	0,0	0,00%	0,0	900,00%
Кушма корхоналар	260,0	9,09%	128,5	5,41%	131,5	102,33%
Жами:	2 860,6	100%	2 376,3	100%	484,3	20,38%

Манба: Халқ банки Наманган вилоят Тўрақўрғон филиали маълумотлари асосида тайёрланди

2.3. Банкда корхоналарга ажратилган кредитлардан фойдаланиш мониторинги ва унинг самарадорлиги тахлили.

Банк амалдаги коидаларга ва ушбу Низомга мувофик тасдикланган Кредитларни **мониторинг** қилиш тартибига биноан карз олувчи фаолиятини доимий назорат қилиб боради, унинг кредит қобилиятини, тўлов интизомини тахлил қилади ва маълумотлар базасини вужудга келтиради. Шу мақсадда ҳар чоракда бир марта Банк Мижознинг хўжалик-молиявий фаолиятини, маҳсулот ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотни сотиш, унумсиз харажатлар ва йўқотишлар, муомала чиқимлари, фойда ҳажмларини, ўз оборот маблағлари мавжудлиги динамикасини, товар-моддий бойликлар захираларининг ҳолатини ҳамда оборот маблағлари айланиши суръатларини тахлил қилади.

Банк Мижознинг кредит қобилиятини қуйидаги тарзда доимий мониторинг қилиб туради:

- даврий равишда, кредит шартномаси шартларига ҳамда кредитлар мониторинги бўйича талабларга мувофик, жойнинг ўзида, бирламчи бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари асосида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларнинг аҳоли, баланс маълумотлари тўғрилиги ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳолати, шунингдек Банкка тақдим этилган гаров аҳоли текширилади;
- қарз олувчининг молиявий-хўжалик аҳоли ёмонлашган, у Банк назоратидан ўзини олиб қочган, ҳисобот маълумотлари нотўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби ўз ҳолига ташлаб қўйилгани аниқланган ҳолларда Банк бундан буён кредит беришни тўхтатиб қўйиш ҳамда илгари берилган кредитларни қарз олувчининг ўз маблағлари ҳисобидан ёки кредит таъминоти сифатида қабул қилинган, кредит шартномаси ҳамда кредит таъминотига доир шартномалар шартларидан қилиб чиқадиган мажбуриятларни амалга ошириш (сотиш) йўли билан муддатидан олдин ундириб олиш ҳуқуқига эга.

Агар карз олувчи кредит шартномасига мувофик карзни тўлашга доир ўз мажбуриятларини бажармаса, Банк карзни таъминот ҳисобидан коплаш бўйича зарур чораларни кўриши лозим.

Банкнинг кредитловчи бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 9 ноябрда тасдиқлаган 242-сонли “Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари эҳтимолий зарарлар ўрнини коплаш учун резервлар шакллантириши ва улардан фойдаланиш тартиби”га мувофик ҳар бир кредит бўйича ҳатар даражасини тизимли равишда таснифлаб бориши ва уларни куйидаги беш тасниф разрядидан бирига киритиши керак:

- 1) яхши;
- 2) стандарт;
- 3) субстандарт;
- 4) шубҳали;
- 5) умидсиз.

Ҳатар даражаси карз олувчининг кредит қобилияти ва тўлов лаёқатига, кредит таъминоти ликвидлигига, кредит тарихига (яъни, карз олувчи илгари берилган кредитлар бўйича ўз мажбуриятларини қандай бажарганига) қараб белгиланади.

Ҳатар даражасига қараб, Банк қарзлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар ўрнини коплаш учун резерв ҳосил қилади. Банк Кредит кўмитаси ҳамда Активлар ва пасивларни бошқариш кўмитасидан розилик олинсагина бу резервдан кредитни коплаш учун фойдаланиш мумкин.

Кредит қобилияти, бу – ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий аҳволига берилган баҳо, уларнинг кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтара олиш қобилиятидир. Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг кредит қобилияти бир қанча кўрсаткичлар билан характерланади. Кўрсаткичлар сони чекланмайди ва Банк томонидан у хизмат кўрсатаётган Мижозлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланади. Ушбу методикада кредит қобилиятининг зарур мажбурий кўрсаткичлари кўриб чиқилади. Булар – коплаш, ликвидлик ва ўз маблағлари

билан таъминланганлик (мухторият) коэффициентлари, шунингдек ўз оборот маблаглари, нотўловлар мавжудлиги динамикаси, оборот маблаглари айланиши ҳамда фойдалилик кабилардир. Кредит қобилияти хўжалик юритувчи субъектлар балансини ҳамда улар кўрган фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботни таҳлил қилиш асосида баҳоланади. Бундан ташқари, зарур ҳолларда, кредит қобилияти баҳоланаётганда иқтисодий статистика маълумотлари, Банкнинг ўзидаги статистика ҳамда таҳлил материаллари ва бошқалардан фойдаланилади. Коплаш, ликвидлик ва ўз манбалари билан таъминланганлик коэффициентлари кредит қобилиятининг асосий кўрсаткичлари ҳисобланади. Баланснинг коплаш коэффициенти қисқа муддатли тусдаги ликвид маблаглар билан қисқа муддатли мажбуриятлар орасидаги нисбат сифатида ҳисобланади. У қуйидаги тарзда аниқланади:

ЛМ

1. $KK = \frac{\text{-----}}{KM}$

КМ

бунда:

КК – коплаш коэффициенти; ЛМ – қисқа муддатли ликвид маблаглар;

КМ – қисқа муддатли мажбуриятлар.

қисқа муддатли ликвид маблаглар (ЛМ)га қуйидагилар қиради:

а) пул маблаглари:

б) осон амалга ошириладиган (пул ундириладиган) талаблар:

в) осон сотиладиган захиралар:

Қисқа муддатли мажбуриятларга қуйидагилар қиради:

а) моддалар баланс маълумотлари (тузатишсиз):

б) моддаларнинг баланс маълумотлари (тузатиш киритилган, тўлов муддати яқин 3 ой бўлган*):

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олганда:

Пул маблаглари + Осон амалга ошириладиган (пул ундириладиган) талаблар + Осон сотиладиган захиралар

КК = -----

киска муддатли мажбуриятлар

Юкорида баён этилганларни ҳисобга олганда:

Пул маблаглари + Осон амалга ошириладиган (пул ундириладиган) талаблар + Осон сотиладиган захиралар

КК = -----

киска муддатли мажбуриятлар

Ликвид активлар киска муддатли мажбуриятлардан камида икки баравар ортик бўлган ҳолларда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ахволи яхши ҳисобланади. Бу, юкори мезон чегарасидир. Хўжалик юритувчи субъектнинг ликвид активлари ҳажми киска муддатли мажбуриятларга тенг бўлганда бу кўрсаткич энг куйи чегара ҳисобланади.

Турли омиллар таъсирини камайтириш учун хўжалик юритувчи субъектлар баланси ликвидлигининг кўрсаткичи ҳисоблаб чикилади. Бу кўрсаткич пул маблаглари сўммаси ва осон амалга ошириладиган талабларнинг киска муддатли мажбуриятларга нисбати сифатида аникланади. Яъни, бунда товар-моддий бойликлар захиралари ҳисобга олинмай, факат реал ликвид активлар ҳисобга олинади.

ПМ+ОАТ

2. ЛК = -----

КМ

бунда:

ЛК – ликвидлик коэффиценти; ПМ – пул маблаглари; ОАТ – осон амалга ошириладиган талаблар; КМ – киска муддатли мажбуриятлар.

Ликвидлик коэффиценти жорий мажбуриятларнинг кандай кисми факат нақд пул ҳисобига эмас, айти пайтда жўнатилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун кутилаётган тушумлар ҳисобидан ҳам бажарилиши мумкинлигини кўрсатади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўз маблаг манбалари билан канчалик таъминлангани (ёки мухторият коэффиценти - МК) корхоналар баланси пасивининг умумий якунидаги ўз манбалари улушини ҳисоблаш йўли билан баҳоланади ва у корхонанинг қарз олинadиган маблаг манбаларига боғланиб қолмаганини кўрсатади.

Ўз маблаг манбалари билан таъминланганлик коэффиценти қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$3. \text{МК} = \frac{\text{ЎМ}}{\text{БП}}$$

бунда:

МК – мухторият коэффиценти; ЎМ – ўз маблағлари манбаи БП – баланс пасиви

Корхонанинг ўз манбалари билан таъминланганлик даражаси 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Оборот маблағлари айланиши суръати катта бўлганда ва корхона фаолиятининг характери қандайлигига қараб, бу кўрсаткичнинг йўл қўйиладиган даражаси бир мунча пастроқ бўлиши мумкин.

Агар мазкур коэффицент 0,6, яъни 60 фоиздан юқори бўлса, у ҳолда кредит хатари минимум даражасига туширилган ҳисобланади.

Кредит қобилиятининг қўшимча кўрсаткичларига қуйидагилар қиради: ўз оборот маблағлари мавжудлиги, фойдалалик, нотўловлар ва оборот маблағлари айланиши суръатлари динамикаси.

Ўз оборот маблағлари мавжудлиги:

$$\text{ЎОММ} = \text{ЎММ} - \text{УМА},$$

бунда:

ЎОММ – ўз оборот маблағлари мавжудлиги; ЎММ – ўз маблағлари манбалари

УМА – узок муддатли активлар

Хўжалик юритувчи субъектда асосий маблағлар ва оборотдан ташкари активлар (баланс активининг I бўлими) ўз маблағ манбаларидан ортиқ бўлганда, ноликвид баланс юзага келади. Ушбу низомга мувофиқ, баланси ноликвид бўлган хўжалик юритувчи субъектлар банк кредитларидан фойдаланиш ҳукукига эга эмаслар.

Корхоналар оборот маблағлари айланиши суръати икки кўрсаткич – оборот маблағлари айланиши коэффиценти ва оборот маблағлари кунлик айланиши билан белгиланади.

Оборот маблағлари айланиши коэффиценти оборот маблағлари ҳаракат тезлигини кўрсатади ҳамда таҳлил қилинаётган даврдаги маҳсулот сотишдан олинган тушум билан оборот маблағлари ўртача қиймати орасидаги фарқ сифатида ҳисобланади:

C

$$a) AK = \frac{C}{\text{ЎК}}$$

ЎК

бунда:

AK – айланиш коэффиценти; C – сотилган маҳсулот ҳажми;

ЎК – оборот маблағларининг ўртача хронологик қолдиқлари.

Оборот маблағларининг кунлик айланиши

ЎК х К

$$O \text{ кунлик} = \frac{\text{ЎК х К}}{C,}$$

C,

бунда:

O кунлик – оборот маблағларининг кунлик айланиши;

К – таҳлили қилинаётган даврдаги кунлар;

C – сотув ҳажми.

**Тоифа бўйича кредит қобилияти асосий кўрсаткичларига доир
талаблар**

№	Номи	I тоифа	II тоифа	III тоифа
1.	коплаш коэффициенти (КК)	$КК \geq 2,0$	$2,0 > КК \geq 1,0$	$1,0 > КК$
2.	Ликвидлик коэффициенти (ЛК)	$ЛК \geq 1,5$	$1,5 > ЛК \geq 1,0$	$1,0 > ЛК$
3.	Мухторият коэффициенти (МК)	$МК \geq 60\%$	$60\% > МК \geq 30\%$	$30\% > МК$

Ўтказилган таҳлил ва коэффициентлар ҳажмлари асосида хўжалик органлари ўз кредит қобилиятига кўра 3 тоифасига бўлинади ҳамда банк билан корхона ўртасидаги ўзаро кредит муносабатлари корхонанинг қайси тоифага мансублигига қараб қурилади.

Корхоналар:

- биринчи тоифага қиритилса – умумий асос (шарт)ларда кредитланади. Улар учун кредитлашнинг имтиёзли тартиби ҳам кўзда тутилиши, яъни қонунларга ва банк ички кредит сиёсатида мувофиқ ишончли кредит ҳамда бошқа имтиёзлар берилиши мумкин;

- иккинчи тоифага қиритилса – умумий асосларда кредитланади ва агар қўшимча ижобий кўрсаткичлар бўлса, имтиёзлар ҳам берилиши мумкин (ишончли кредит беришдан ташқари).

Лекин агар иккинчи тоифага қиритилган корхонанинг қўшимча кўрсаткичлари салбий бўлса, у беқарор ҳисобланади ҳамда бундай корхоналар билан шартномалар тузилаётганда улар фаолиятини ва кредит қайтарилишини назорат қилишнинг қўшимча чоралари кўзда тутилиши керак.

Хусусан, бунда гаров ҳукуки қаттиқлаштирилади, фоиз ставкалари оширилади, қарзлардан фойдаланиш ҳажм ва муддатлари чеклаб қўйилади ва х.к.;

- учинчи тоифага киритилса – кредитни кайтариш қобилиятига эга эмас, деб ҳисобланади ҳамда истисноли ҳолларда, факат мулкни гаровга олиб ва оширилган фоиз ставкаси ундириладиган қилиб кредитланади;

кредит қобилияти кўрсаткичлари III тоифадан паст бўлган корхоналар кредитланмайди.

2015 йил 1 январ ҳолатига туман филиали бўйича жами муаммоли кредитлар 54,2 млн сўмни ташкил этган. 2016 йил 1 Январь ҳолатига муаммоли кредитлар ҳажми 31,2 млн сўмга камайиб 23,0 млн. сўмни ташкил этди. Муаммоли кредитларнинг 2015 йил 1 январ ҳолатига баланс бўйича суд жараёнидаги кредитлар 5,0 млн сўм, 2016 йил 1 Январь ҳолатига 5,0 млн сўм яширилган кредитлар эса 2015 йил 1 Январь ҳолатига 809,3 млн сўмни 2016 йил 1 Январь ҳолатига эса 192,8 млн сўмга 23,9 % га камайиб 616,5 млн сўмни ташкил этади. Шунингдек ҳисобдан чиқарилган (95413) х/р кредитлар қолдиғи 2015 йил 1 Январь ҳолатига 60,5 млн сўмни ташкил этади 2016 йил 1 Январь ҳолатига эса 5,6 млн сўм ёки 9,3%га камайиб 54,9 млн сўмни ташкил этади.

Муаммоли кредитларни ундириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида ўтган йил мобайнида 31,2 млн сўм муддати ўтган кредитлар ундирилди, Шунингдек 0 сўм суд жараёнидаги кредитлар, ва (91501)х/р 2015 йил 1 Январь ҳолатига 45,0 млн сўмни ташкил этади 2016 йил 1 Январь ҳолатига эса 20,7 млн сўм ёки 46%га камайиб 24,3 млн сўмни ташкил этади. 20,7 млн. сўм муддати ўтган фоизлар ундирилди.

2015 йил давомида 387,0 млн сўмлик (пахта 2015) имтиёзли кредит қарздорликларини ундириш бўйича Судларга 5 та даъво ариза киритилди. Суд ижро органлари билан ишлаш натижасида 286,0 млн сўм жами қарздорликлар ундирилди. Шундан пахта 2015 имтиёзли кредитлардан 5 нафар фермер хўжаликларидан 101,0 минг сўмни ташкил қилади. Ҳозирги кунда Муаммоли кредитларни ундириш бўйича Савдо саноат палатасининг Наманган вилоят филиали билан ҳамкорлик ўрнатилган.

2.3.2-жадвал

**Акциадорлик-тижорат Халқ банки Туракургон туман филиалида
муаммоли кредитларнинг жами кредит қўйилмасидаги салмоғи тўғрисида
2016 йил 1 Январь ҳолатига**

МАЪЛУМОТ

№ Филиал номи	Кредит қўйилма	Жами муаммо ли кредитл ар	Шундан			Муаммо ли кредитл ар салмоғи (% да)	Ҳисоб дан чиқар илган креди тлар (9541 3)	Жами муаммол и кредитла р салмоғи (% да)
			Мудда ти ўтган кредит лар	Суд жараёнида аги кредитлар	Яширил ган кредитл ар			
<i>А Б</i>	<i>1</i>	<i>2=3+4+ 5</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6=2/1*1 00</i>	<i>7</i>	<i>8=2+7/1* 100</i>
Тўрақўрғон	7 615.3	29.5	18.0	5,0	6.5	0.3	54.9	1.1
Жами	7 615.3	29.5	18.0	5,0	6.5	0.3	54.9	1.1

Манба: Халқ банки Наманган вилоят Тўрақўрғон филиали маълумотлари асосида тайёрланди

2.3.3-жадвал

**Акциадорлик-тижорат Халқ банки Туракургон туман филиалида
муаммоли кредитларнинг жами кредит қўйилмасидаги салмоғи тўғрисида
2016 йил 1 Январь ҳолатига**

МАЪЛУМОТ

	Филиал номи	Кредит қўйилма	Жами муаммо ли кредитл ар	Шундан			Муаммо ли кредитл ар салмоғи (% да)	Ҳисоб дан чиқар илган креди тлар (9541 3)	Жами муаммол и кредитла р салмоғи (% да)
				Мудда ти ўтган кредит лар	Суд жараёнида аги кредитлар	Яширил ган кредитл ар			
	<i>Б</i>	<i>1</i>	<i>2=3+4+ 5</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6=2/1*1 00</i>	<i>7</i>	<i>8=2+7/1* 100</i>
	Тўрақўрғон	7 615.3	639.5	18.0	5,0	616.5	8.3	54.9	9.1
	Жами	7 615.3	639.5	18.0	5,0	616.5	8.3	54.9	9.1

Манба: Халқ банки Наманган вилоят Тўрақўрғон филиали маълумотлари асосида тайёрланди

2015 йил давомида Тўрақўрғон филиали томонидан жами 6.430.5 млн
сўм кредит маблағлари ажиратилиб (Пахта ва галла имтиёзли б.н),

ажиратилган кредитлар учун 1.761.7 минг сўм фоизлар ҳисобланган. Йил давомида жами 4.623.4 млн сўм муддатли ва муддати утган кредитлар ва жами фоиз тўловларидан 1.693.7 млн сўм маблағлар ундирилди.

Шунингдек, фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олиш учун ажратилган, лекин бугунги кунда фермер хўжаликлари тугатилганлиги сабабли қайтарилиши муаммога айланган 7 та техникаларни қўшимча гаров тақдим этиш шарти билан қайта кредит учун расмийлаштириш ҳисобига жами 208.3 млн сўмлик муаммоли кредитлар бартараф этиш ишлари олиб борилмоқда.

2016 йилда кредит шартномаси бўйича қайтариш муддатлари келадиган мижозлар кредити тулик сундирилиши ва Колган кредитлар тулов графиги бўйича муддатида ундирилиши бўйича алоҳида мониторингга олинди.

3. Филиалда Пахта ва Галла етиштирувчи 31 та фермер хўжаликлари фаолият юритаётган бўлиб, 2016 йилда Галла имтиёзли кредит 39.7 млн сўм маблағ 6 та фермер хўжалигига ажратилган. ҳозирги кунда 39.7 млн сўм галла кредит колдиги мавжуд. Пахта 2015 йил имтиёзли кредит учун эса 1 550,9 млн сўм маблағ 27 та фермер хўжалигига ажратилган бўлиб, 2015 йил давомида 1 670,7 млн сўм ундирилди Ҳозирги кунга 5 та фермерда 101.3 млн сўм Пахта 2015 имтиёзли кредит колдиги мавжуд бўлиб, колган пахта имтиёзли кредит маблағини Туракургон ПТЗ 3- сонли заводидан копланиши ва 5 та фермер хўжалигида 101.3 млн сўм имтиёзли кредит копланиши хавфи борлиги сабабли Наманган вилоят Хўжалик Судига даъво аризалар киритилган бўлиб, мол мулкидан суд ижро оркали ундириш чоралари курилмоқда.

Галла 2016 имтиёзли кредит маблағларидан 6 нафар фх 39.7 млн сўм фаолияти тугатилган фермер хўжаликларига тугри келади. Юкоридаги 39.7 млн сўм имтиёзли кредит маблағларини Агро банк ҳисобидан ундириш ишлари олиб борилмоқда.

Пахта имтиёзли кредит маблағларидан 27 нафар фх 680.0 млн сўм фаолияти тугатилган фермер хўжаликларига тугри келади. Юкоридаги 680.0 млн сўм имтиёзли кредит маблағларини ундириш учун Наманган вилояти Хўжалик Судига берилган ва Суд ижро оркали мол мулкига каратилган.

Шундан Тошпулат Домла ф\х лигининг 8.2 млн сўм маблағи Наманган Дон корхонасидан ҳақдорлиги аниқланди ва ундириш учун Инкасса ҳужжатлари суд ижро оркали куйилди.

Туракургон сийрати ф\х лигининг 12.0 млн сўмлик Пахта имтиёзли кредит маблағи копланиши учун ПТЗ кафиллигига асосан ПТЗ корхонаси ҳисоб рақамига инкасса куйилди, ҳамда ундириш чоралари курилмоқда.

Филиалда жами бўлиб 7 та фермер ҳужалигига кишлоқ хўжалик техникаси учун берилган жами 208.3 млн сўм кредит қарздорлиги тугри келади.

Шундан муаммоли тракторлар 5 та фермер хўжаликларига тугри келади, жами сўммаси 152.5 млн сўм. 45.7 млн сўм маблағ эса, 2 та фаолияти тугатилган фермер хўжаликларига тугри келади. Ушбу маблағларни копланиши манбаи Янги ташкил этилган Агро банк мижози фермер хўжаликларига ва МЧЖ ларга қайта расмийлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Замонавий маркетинг таъсирида банк ва мижоз ўртасидаги муносабатлар ҳам узгармоқда. Банк олдин омонатчи ва қарз олувчиларга банк маҳсулотларининг маълум бир турларини таклиф қилган бўлса, эндиликда у доимий равишда мижозларнинг алоҳида гуруҳлари, йирик фирмалар, кичик корхоналар, жисмоний шахслар ва ҳоказо манфаатларига йуналтирилган хизматларнинг янги турларини ишлаб чиқиши керак. Банк фаолиятининг ягона мезони мижозларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари бўлиб қолмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида банк хизматларининг зарурий рақобатбардошлик даражасини сақлаб туриш уларнинг стратегик

йўналишларидан бири бўлиб қолади, бундан ташқари банкларнинг ва банк хизматларининг рақобатбардошлиги куп жихатдан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасини белгилаб берадиган мезонлардан бири булган иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

2014 йилнинг август ойида банк филиалига хусусий тадбиркор ХХХ томонидан 4,8 млн сўм миқдоридаги 3 йил муддатга, стоматологик ускуна сотиб олиш мақсадида микрокредит ажратиш тугрисидаги аризаси тушган.

Хусусий тадбиркор уз аризасига қуйидагиларни илова қилган:

- Паспорт нусхаси
- Бизнес-режа

Хусусий тадбиркор уз фаолиятини Тошкент вилояти Қибрай тумани Хокимияти томонидан берилган патент асосида юритади. Унинг фаолият тури стоматологик хизматлар курсатишдир.

Банк филиалида тадбиркор 2013 йилнинг 12 августидан очган.

Фаолият курсатиш мақсадида тадбиркор «ХХХ» фирмаси билан 10,3 м.кв. хонани ижарага олиш тугрисида шартнома тузган.

Олинган кредитни стоматологик ускуна ва инвентарлар сотиб олишга ишлатишини миждоз режалаштирган ва шу мақсадда шартнома имзолаган.

Шартномага асосан 4,8 млн сўмга қуйидагилар сотиб олиниши керак:

- Стоматологик кресло -1 та.
- Стоматологик установка-1 та.
- Турбин установки -1 та.
- Сухожарный шкаф -1 та.
- Препарат столи -1 та.
- Медицина шкафи -1 та.
- Инструментлар -10 та набор.
- Кварц лампаси -1 та.

Шартнома шартларига кура 50 % олдиндан тулов кузда тутилган.

Мижоз бизнес-режасига биноан кредитлаш мабайнида курсатилган стоматологик хизматлардан тушадиган тумум 10,9 млн. Сўмни, соф фойда эса кредит ва фоизларни кайтаргандан сунг 686,25 минг сўмни ташкил этиши курсатилган.

2.3.4-жадвал

Кредитни кайтариш тартиби

Муддат	Сўмма	муддат	Сўмма
3 ой	100 000,0 сўм.	22 ой	300 000,0 сўм.
6 ой	100 000,0 сўм.	24 ой	400 000,0 сўм.
8 ой	200 000,0 сўм.	25 ой	200 000,0 сўм.
10 ой	200 000,0 сўм.	27 ой	300 000,0 сўм.
12 ой	200 000,0 сўм.	29 ой	400 000,0 сўм.
14 ой	200 000,0 сўм.	31 ой	500 000,0 сўм.
16 ой	200 000,0 сўм.	33 ой	500 000,0 сўм.
18 ой	200 000,0 сўм.	36 ой	600 000,0 сўм.
20 ой	200 000,0 сўм.		

Манба: Халқ банки Наманган вилоят Тўрақўргон филиали маълумотлари асосида тайёрланди

Хусусий тадбиркор кредитни уз вақтида кайтармаслик хатарини олдини олиш мақсадида гаровга сотиб олинаётган уснуналарни (нархидан 75 %) ва Сугурта компаниясининг кредит сўммасидан 50 % ташкил этувчи сўммага (2,4 млн сўм) сугурта полисини таклиф этган.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб кредит булими ижобий хулоса берган ва филиал кредит кумитасига тақдим килинган.

Кредит кумитаси ушбу аризани ва кредит булимнинг хулосасини куриб чиқиб ижобий қарор қабул қилган. Кредит шартномаси имзолангандан сунг гаров ва сугурта шартномалари имзоланиб кредит ссуда раками орқали микрокредит ускуна ва инвентарлар сотувчи ҳисоб ракамига 50 % микдорида қучирилган.

Кредит булими ходимлари кредитга олинган ускуналарни жойига чиқиб текширилган ва мақсадли ишлатилганлиги тугрисида далолатнома

тузилган. Шундан сунг колган 50 % кредит сўммаси сотувчининг ҳисоб рақамига кучирилган.

Кредит бўлими ходимлари кредит берилгандан сунг ҳар чоракда тадбиркорнинг фаолият юритиш жойига чиқиб мониторинг ўтказишарди. Шу билан бирга гаровдаги мулк ҳолати ҳам куздан кечираларди.

Инвестицион лойиҳани молиялаштиришга мисол:

2013 йилнинг ноябрь ойида «XXX» очик акционерлик жамиятида қисқа муддатли (12 ойга) 346,5 млн. сўмлик, 24 % йиллик устама ҳақ ўрнатган ҳолда, пиво ишлаб чиқариш учун ўскуна сотиб олиш мақсадида кредит олиш учун ариза тушган.

Аризага илова тарзда қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинган:

- Бизнес –режа
- Корхона устави
- 2013 йил 9 ойлик баланс ҳисоботи
- ўскуна сотиб олишга шартнома
- гаровга тақлиф қилинаётган ўскуналарнинг бирламчи ҳужжатлари
- корхона таъсисчиларининг кредит олиш тўғрисидаги қарор нусхаси
- маҳсулот етказиб бериш учун тузилган шартномалар нусхалари.

Корхона бизнес-режасида қуйидагилар акс эттирилган:

- корхона тўғрисида тулиқ маълумот
- лойиҳа мақсади
- корхона иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили
- корхонанинг ишлаб чиқариш технологияси схемаси, барча жараёнлар тушунтириб берилган.
- Хом-аше ва материаллар тўғрисида маълумот
- Сотиб олинаётган ўскуна таърифи, кўрсаткичлари
- Лойиҳанинг ижобий ва салбий томонлари таҳлили
- Молиялаштириш режаси
- Кредитлаш мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми режаси таҳлили

- Рақобатчилар ва корхона махсулоти бозори тахлили
- 1 бирлик махсулотга сарф килинадиган хом-аше ва материаллар калькуляцияси
- бошка сарф харажатлар тахлили
- иқтисодий асос жадвали (хисоб-китоб).

Ушбу ариза куриб чикилиб кредит булими хулоса берган. Унга асосан куйидагилар аникланган:

ОАЖ «ХХХ»нинг устав капитали 51,0 млн. Сўм деб эълон килинган ва тулик шакллантирилган корхонанинг асосий фаолияти алкоғолсиз ичимликлар ва пиво ишлаб чиқаришдир (рухсатномалари ва махсулотга сертификатлари мавжуд).

Уз хисоб рақамини корхона ушбу банкда 2010 йилнинг апрел ойида очган. Демак банк бу корхона фаолияти ва кредит тарихи билан танишдир. Хулосада ёзилиши буйича корхонага хизмат курсатилиши муддатида у узини туловга қобилиятли ва актив ишловчилигини курсатган.

Корхонанинг баланс ҳисобларини охириги санаси (01.10.2014й.) кўрсаткичлари буйича 2-синфга мансублиги аникланган. Олдинги муддатдаги баланс кўрсаткичлари билан солиштирилганида корхона иқтисодий аҳволи нисбатан яхши томонга ўзгаргани қурилди.

2.3.5-жадвал

Корхонанинг айланма маблаёлари тўғрисида маълумот

№	Кўрсаткич	01.01.13 й. ҳолатига	01.01.13 й. ҳолатига	01.01.14 й. ҳолатига	01.10.14 й. ҳолатига
1	Коплаш коэффициенти	1,85 (2)	0,81 (3)	1,12 (2)	3,05 (1)
2	Ликвидлик коэффициенти	0,23 (3)	0,2 (3)	0,16 (3)	0,64 (3)
3	Автономия коэффициенти	0,60 (1)	0,52 (2)	0,67 (1)	0,87 (1)
4	Узлик айланма маблаглари динамикаси	83 886,0	23 429,0	128 705,0	302 222,8
5	Фойда	51 999,0	130 869,0	298 800,0	495 401,6
7	Айланма маблагларнинг айланиши				

А)	айланиш коэффициенти	3,64	7,01	4,46	--
б)	кунларда	49,47	25,67	--	33,46

Манба: корхона маълумотлари асосида тайёрланди

Корхонанинг 01.10.2014 йил ҳолатибаланс кўрсаткичларига асосан бутун мол-мулки 915,94 млн.сўмни, узлик маблағлари – 793,5 млн. Сўмни, дебиторлик қарзлари – 75, 6 млн. сўмни, кредиторлик қарзлари – 93,9 млн. Сўмни ташкил этгани маълум бўлди. Таксимланмаган фойда – 495,4 млн. сўм. Махсулот сотишдан тушган тушум – 2 284,8 млн. сўм, соф фойда эса – 233,1 млн. Сўмлиги қайд этилган. Бундан ташқари фирма 36 млн сўмни узок муддатли инвестиция қилган бўлиб, бу инвестиция «НННН» қушма корхонаси устав фондига қриб битказилмаган объект кўринишида киритилганлиги маълум бўлди.

2.3.6-жадвал

Корхонанинг ҳисоб рақамида маблағларнинг айламаси қуйидагича бўлганлиги аниқланган:

Минг сўмда

Муддат	Кредит айланма	Дебет айланма
2011 йил	696 113	696 190
2012 йил	1 144 845	1 145 759
2013 йил	1 870 940	1 873 812
2014 йил (01.01.2014й.дан 17.11.2014й.гача)	2 422 672	2 422 474

Манба: корхона маълумотлари асосида тайёрланди

Такдим қилинган ҳужжатлар анализи ОАЖ «ХХХ» томонидан харидорлар билан пиво махсулотини ва алкоғолсиз ичимликлар етказиб бериш мақсадида умумий сўммаси 1 685,0 млн сўмлик шартномалар имзоланганлиги қайд этилган.

Корхона ўз махсулотини ишлаб чиқариш суръатини ва ҳажмини ошириш мақсадида 828,2 млн. Сўмлик лойиха ишлаб чиққан. Ушбу лойихага асосан корхона Чехияда ишлаб чиқарилган ускуна сотиб олишни

ва янги технологияга асосан пиво ишлаб чиқаришни режалаштирган. Хозирги ишлаб чиқаришни ҳам ҳисобга олган ҳолда режалаштирилган лойиҳа амалга ошса ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробар ошиши кераклиги қайд қилинган. Юқоридагиларни ҳисобга олиб Чехиянинг «ШШШ» компанияси билан пиво ишлаб чиқариш ускуна – линияси сотиб олиш учун 350,0 млн. Сўмлик шартнома имзоланган. Шу жумладан: 330,0 млн. сўм – ускуна нархи бўлса, 20,0 млн. сўм – монтаж ишлари нархидир. Шартнома шартларига асосан корхона шуртнома сўммасининг 1 % микдорида олдиндан тулов амалга оширган.

Бу усқунани сотиб олиш корхонага ишлаб чиқариш ҳажми ва суръатини оширишдан ташқари янги турдаги ва сифатли пиво маҳсулотларини ишлаб чиқаришга имкон яратади. Бундан ташқари пивонинг мазаси ва ташқи кўриниши ҳам узгаради. Бу эса корхонани рақобатбардош бўлиши омилидир. Ускуна сотиб олиш шартномасига асосан сотувчи етказиб берилган ускунага монтаж қилиниб топширилган кундан бошлаб 1 йил муддатга кафолат берилган.

Ўз маблағлари вақтинча етишмаслиги сабабли юқоридаги лойиҳани амалга ошириш учун 345,5 млн сўм кредит олишга банга муроҷжат қилган.

Ишлаб чиқилган лойиҳанинг 58,2 % уз маблағлари ҳисобидан ва 41,8 % кредит ҳисобига молиялаштирилиши мулжаллаланган. Лойиҳанинг тулик ишга тушиш муддати 12 ой деб ҳисобланган.

Кредит қайтарилмаслиги ҳатарини олдини олиш мақсадида корхона 424 млн. Сўмлик узида бор усқуналарни ва кредит ҳисобига олинаётган усқуналарни шартномадаги нархидан 80% микдорда гаровга олиншини тақлиф этган.

2.3.7-жадвал

Кредит хисобига сотиб олинаётган ускуналар руйхати:

Минг сўмда

№ п/п	Ускуна номи	Со- ни	Шартнома нарни	Таклиф килинаётган сўмма (80% микдорида)
1	Выгрузчик бутылок MECHANIK	1	14 000,0	11 200,0
2	Бутыломоечная машина CRONA	1	87 000,0	69 600,0
3	Инспектор мытых бутылок <i>PAST-LIL</i>	1	5 000,0	4 000,0
4	Моноблок розлива с системой CIP и автоматом подачи пробок ROTUS	1	56 000,0	44 800,0
5	Тунельный пастеризатор DPS 24/2.5	1	87 000,0	69 600,0
6	Транспортеры бутылок разнорядные L 120 м	1	56 000,0	44 800,0
7	Транспортеры ящиков L-35м	1	11 000,0	8 800,0
8	Мойка ящиков MP 1500	1	7 000,0	5 600,0
9	Главный эл. щит линии, монтажный эл. материал	1	7 000,0	5 600,0
	Барчаси:		330 000,0	264 000,0

Манба: корхона маълумотлари асосида тайёрланди

2.3.8-жадвал

Корхона узида бор гаровга таклиф килинаётган ускуналар руйхати:

Минг сўмда

№ п/п	Ускуна номи	Со- ни	Балансдаги сўммаси	Таклиф этилаётган сўмма (80%)
1	Этикетировочная машина	1	60 000,0	48 000,0
2	Укладчик	1	15 000,0	12 000,0

3	Компрессоры HF-811	7	34 800,0	27 840,0
4	Цилиндро-конические танки V 100м.куб	14	90 787,67	72 630,14
	Хаммаси:		200 587,67	160 470,14

Манба: корхона маълумотлари асосида тайёрланди

Банк кредит булими хулосасида гаров буйича куйидагилар кайд этилган:

Халк Банкининг «Лойихавий молиялаштиришни ташкил этиш хакида»ги тартибига асосан кредитга олинган мулкнинг гаровга олинаётганида бу мулк уз нархидан 60% сўммадан куп сўммада қабул килиниши мумкин эмаслиги ва гаров сўммаси бошкатдан куриб чиқилиши кераклиги кайд килинган.

Такдим килинган техник иқтисодий асосга асосан корхона ушбу лойиха амалга ошган тақдирда 1 йилда 4,4 млрд. Сўмлик махсулот ишлаб чиқариши ва соф фойдаси эса 71,8 млн. Сўмни ташкил этилиши мужалланган.

Кредит булими хулосасида ОАЖ «Раупхон» олдин ҳам банк кредитларидан фойдаланганлиги курсатиб утилган:

254 млн. Сўмлик 2 та лойиха молиялаштирилган бўлиб, кредит фоизлари билан муддатидан аввал кайтарилган.

Такдим этилган бизнес-планга асосан кредит кайтарилиши молиялаштириш бошлангандан сунг 6 ойдан бошлаш кузда тутилган.

6 ой – 5 млн сўм.

7 ой – 25,5 млн сўм

8 ой – 70 млн сўм

9 ой – 136 млн сўм

10 ой 70 млн сўм

11 ой 30 млн сўм

12 ой 12 млн сўм

хаммаси – 346,5 млн сўм.

Кредит булими хулосасида ушбу кредитни беришга гаровга олинаётган мулкни қайта куриб чиқиш шарти билан ижобий хулоса берилган ва филиал кредит кумитасига куриб чиқиш учун такдим килинган.

Филиал кредит кумитаси кредит булимнинг хулосасини куриб чиқиб гаровга олинадиган мулкни қайта куриб чиқиб, қушимча гаров олиш шарти билан кредит ажратишга ижобий қарор қабул қилган. Аммо мижоз режалаштиргандан фаркли уларок кредит 12 ойга эмая, балки, 24 ойга ажратилган. Бундай қарор қилинишининг асосий сабаби мижозга лойихани амалга ошириш буйича рискларни камайитириш мақсадида ва муддати утган кредитни пайдо булишининг олдини олиш мақсадида яна 12 ой кушиб берилган. Шу билан бирга кредитни қайтариш графиги узгартирилган: лойиха молиялаштирилгандан сунг 3 ойдан кейин ҳар ойда 16,5 млн сўмдан қайтарилиши кузда тутилган.

Шундан сунг кредит ажратиш тугрисидаги кредит шартномаси имзоланган.

Кредит шартномасида қуйидагилар уз аксини топган:

- шартнома тузувчи томонлар раҳбарлари исм-шарифлари
- кредит ажратиш шартлари
- кредит ва фоизларни қайтариш шартлари
- гаровга мулкни расмийлаштириш ва уни сугурта қилиш шартлари
- кредитлаш мобайнида қорхона ҳисоботларини такдим қилиш буйича шартлар
- томонларнинг бошқа мажбурият ва ҳуқуқлари
- томонлар имзо ва муҳрлари

Шартнома имзолангандан кейин гаров шартномаси имзоланган ва унга биноан гаровни сугурта қилиш мақсадида Сугурта компанияси билан уч томонлама сугурта шартномаси ҳам имзоланган.

Шундан сунг лойихани молиялаштириш бошланган.

Корхонага алоҳида ссуда ҳисоб раками очилиб шу ҳисоб раками оркали ускуна сотувчига утказиб берилган.

Кредитга олинган ускуналар кредит бўлими ходимлари томонидан жойига чиқиб қурилган ва юк ҳужжатларини анализ қилган ҳолда кредитни мақсадли ишлатилиши тугрисида далолатномалар тузилган. Далолатномалар кредит бўлими ходимлари корхона раҳбари, бош бухгалтери томонидан имзоланган ва корхона муҳри қуйилган.

Кредит бўлими ходимлари кредит берилгандан кейин ҳар чоракда корхона молиявий ахволини (тақдим қилинган баланс кўрсаткичлари ва ҳисоб ракамидаги айланмаларни таҳлил қилган ҳолда) ва гаровга олинган мулк ҳолатини мониторинг қилиб борилган. Шу билан бирга бизнес-режада режалаштирилган кўрсаткичларни бажарилаши ҳам таҳлил қилиб борилган ва хулосалар тузилган. Ушбу хулосаларга биноан лойиха тулик ва уз вақтида амалга ошмоқда.

Ҳозирда кредитнинг асосий қисми муддатидан аввал қайтарилган, фоизлари эса уз вақтида туланмоқда.

Юқоридаги лойихани молиялаштириш натижасида банкнинг кредити фоизлари билан қайтарилишидан ташқари корхона ҳисоб ракамидаги айланмалар ошганлиги сабабли банкнинг корхонадан дебет айланма учун оладиган комиссияси миқдори ҳам ошган.

III-боб. Тижорат банкларининг ишлаб чиқариш корхоналари билан муносабатларини маркетинг тамойиллари асосида самарадорлигини ошириш йуллари.

3.1. Тижорат банкининг аҳолии ва корхоналарга кўрсатаётган хизматлари турлари ва уларни кучайтириш имкониятлари.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан аҳолига ва хўжалик юритувчи субъектларга курсатилаётган хизматлар миқдор ва сифат курсаткичлари жихатидан халқаро банк амалиёти андозалари талабларига жавоб бериши муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатда банклараро рақобат муҳити тўлиқ шаклланмаганлиги миждозларга кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтиришга сифатини оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тижорат банклари хизматларининг миқдорий тавсифи хизматларнинг миқдори, кўлами ва доираси билан белгиланса, банк хизматларининг сифат тавсифи хизматларнинг сифати, тезкорлиги ва мақсадли амалга оширилиши, миждозларнинг қаноатланиш даражаси билан ифодаланади. Тижорат банклари хизматларининг миқдорий ва сифат тавсифи ҳамда самарадорлиги улар томонидан баҳолаш соҳасида олиб борилаётган сиёсат билан узвий боғлиқдир. Банк хизматлари учун асосланган баҳоларни аниқлаш тижорат банклари учун бозорнинг ўзгарувчан конъюктурасига мослашиш имконини яратади.

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг 600 дан ортиқ тури мавжуд. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан миждозларга 50 дан ортиқ хизмат турлари таклиф этилади. Банкларимиз томонидан таклиф этилаётган хизматлар бўйича тўловлар мустақил белгиланади ва улар хилма-хилдир.

Банк хизматлари деганда тижорат банкларининг стратегик ва тезкор фаолияти ҳамда самарали бошқариш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳаракатлар мажмуаси тушунилади.

Жахон мамлакатларида нашр этилган адабиётларда банк хизматини куйидаги турли мезонлар бўйича тавсифланади:

1. Мижозлар эҳтиёжини қондиришга йўналтирилиши жихатидан:

- тўғридан – тўғри хизматлар, бевосита мижозларнинг эҳтиёжини қондиради, масалан, кредит бериш, тўловларни ўтказиш, ҳисобварақ очиш, инвестицион хизматлар;

- билвосита хизматлар, мижозларга тақдим этилиши билан уларга қулайлик туғдирадиган ва фойдали банк хизматлари (клиринг хизматлари, хоум банкинг, консалтинг хизматлари, пластик карточкалар ва бошқалар).

2. Мижозларнинг юридик мақоми жихатидан банк хизматларини 2 га бўлиш мумкин:

- юридик шахсларга кўрсатиладиган чакана банк хизматлари;
- жисмоний шахсларга кўрсатиладиган чакана банк хизматлари.

3. Банк фаолиятидан келиб чиқиб:

- асосий банк хизматлари;
- қўшимча банк хизматлари фарқланади.

4. Мураккаблик даражаси бўйича банк хизматлари ва маҳсулотларини куйидаги даражаларга бўлиш мумкин:

- биринчи даражали маҳсулот ва хизматлар – қўпчилик истеъмол қилувчи ва фойдаланувчи банк хизматлари;

- иккинчи даражали маҳсулот ва хизматлар – махсус тайёргарликка эга бўлган банк ходимларини талаб қилувчи хизматлар (активларни бошқариш, инвестицион хизматлар);

- учинчи даражали маҳсулот ва хизматлар- профессионал билим ва тажрибани талаб қилувчи хизматлар (корпоратив молия, турли активларни бошқариш);

- тўртинчи даражали маҳсулот ва хизматлар – молияни режалаштириш, молия инженерияси соҳасидаги махсус билимларни талаб қилувчи хизматлар.

Банклараро рақобат кураши шароитида банк хизматларини танлаш мижоз учун унинг сифати, тўлиқлиги, тезкорлиги ҳамда баҳосига боғлиқ булса, банк учун асосий мақсад хизмат турларининг самарадорлиги ва жозибадорлигига эришиш, пировард натижада олинадиган даромад билан мижозларни жалб этишдан иборатдир. Хаар бир хизмат тўрининг самарадорлиги ўз навбатида бозор конъюктураси, ушбу хизмат турига бўлган талаб ҳамда унинг сифатига тўлиқ боғлиқ эканлиги давр талаби бўлиб колмоқда, шунинг учун биз фаолиятини ўрганаётган АТ Халқ банки Тўрақўрғон филиалида ҳам юқоридаги тавсияларни чуқур тахлил этиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарур деб хисоблаймиз.

Тижорат банклари томонидан саноат корхоналарини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш бевосита кредитлаш самарадорлигини таъминлашга боғлиқ. Бунинг сабаби шундаки, самарадорлиги таъминланмаган кредитлаш амалиёти банкларнинг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигига салбийтаъсир кўрсатади. Бундай таъсир кредитларни муддатида қайтмаслигида, кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг ошишида, банкнинг ликвидлигини пасайишида, ссуда операциялари даромадлилик даражасининг насайишида тижорат банки соф фойдасининг камайишида яққол намоён бўлади.

3.2. Тижорат банклари фаолиятида замонавий маркетинг тамойилларидан фойдаланиш йўллари.

Мамлакатимизда банк тизими томонидан аҳолии ва хўжалик субъектларини фаол молиявий қўллаб – қувватлаш, ёшларнинг тадбиркорлик салохиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, имтиёз ва имкониятларнинг яратилиши, хотин-қизларга моддий ва маънавий жихатдан кўмак кўрсатиш, маиший шароитларини яхшилашга алохида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бу борада меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида аҳолии ва хўжалик субъектларига кредитлар, шу жумладан, микрокредитлар ажратиш

механизмларини янада такомиллаштирилаётгани, тобора соддалаштирилаётгани банк хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини оширмоқда.

Банклар ҳар қандай бошқа муассаса каби ўз келажаги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак. Шу туфайли ялпи маркетинг тадқиқотлари банкнинг тадбиркорлик фаолияти стратегияси ва дастури ҳақида қарор қабул қилиш учун асосланган базани ташкил этади. Шу билан бирга банк хизматлари бозорида ўзининг ҳаракатлари стратегиясини аниқлаш ва режалаштириш, банк маҳсулотларининг асосий асосий турларига бозор талабини аниқлаш банк ички бошқаруви маркетинг концепциясининг асосий тамойилларини ташкил этади.

Банк бозорининг қзгарувчан шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда банкнинг келажақдаги фаолияти йўналишларини аниқлашга имкон берадиган стратегик режалар ишлаб чиқиш зарур. Рақобатчиларнинг эҳтимол тутилган хатти-ҳаракатларини ҳисобга олган ҳолда нарх-наво, сотув ва товар сиёсати соҳасида ялпи тадбирлар ишлаб чиқиш банк фаолиятини бошқаришда маркетинг жихатдан ёндашувнинг анча афзаллигини акс эттиради. Маркетинг фаолияти дастурлари узоқ муддатли стратегия сиёсатини юритиш, катта иқтисодий йўқотишларга чап бериш ҳамда барқарор ривожланиш ва муваффақиятларга эришишга имкон беради.

Банк хизматлари бозорини ялпи тадқиқ этиш ўз имкониятларини аниқлаш ва стратегик маҳсулотларни сотиш банка унинг фаолияти учун энг мақбул бўлган сотув бозорларини танлаб олиш имкониятини яратади.

Дастурлар ишлаб чиқишдан кўзда тутилган мақсад- банкка ўз хизматини сотиш учун бозорни забт этиш борасида муайян тадбирларни ўтказишни тавсия этишдан иборатдир.

Маркетинг фаолияти дастурида банк маркетинг хизматининг ютуқлари, муваффақиятлари жамланган ҳолда аниқланади, улар ишининг асосий натижаси тавсифланади. Агар банк раҳбарияти дастур асосида турган асосий маҳсулотлар мазмунини маъқулласа ва бу дастурни ижро учун қабул қилса, у

банк умумий иш режасининг таркибий бир қисми бўлиб қолади. Ушбу батафсил режа мажбурий деб тан олинади банкнинг кейинги фаолияти уни амалга оширишга бўйсундирилади. Банк режаси жуда кенг ва батафсил бўлиши ҳамда молия ишлари, кадрлар билан ишлаш ва маблағларни жойлаштириш каби соҳалар акс эттирилиши лозим. Маркетинг дастури банк фаолиятини батафсил режаси, пойдевори бўлиб хизмат қилиши керак.

Шундай қилиб банкнинг маркетинг дастури- бу маркетинг тадқиқотлари асосида тузилган стратегик режадир. Унда истиқболда амалга шоириладиган нарх-наво, сотув ва товар ишлаб чиқариш фаолиятига тааллуқли бўлган ҳамда унинг келгусидаги тавсиялар ўз аксини топади.

Маркетинг дастурини ишлаб чиқариш жараёнида банк хизматлари бозорининг ривожлантириш борасидаги турли чекловлар ҳисобга олинади ва банк имкониятлари аниқланади. Шу билан бир қаторда бозор билан тўғридан- тўғри ва тескари алоқаларни, мижозларнинг ўзгарувчан эҳтиёжларга мослашиш заруриятини ва бозор талабларини шаклланиши ва кенгайишига фаол таъсир этиш заруратини аниқлаш лозим. Банкнинг дастурлар ишлаб чиқувчи маркетинг хизмати таклиф этилаётган хизматлар таркибининг бир қанча муқобил (альтернатив) вариантларини шунингдек, мижозлар талабини ҳисобга олган ҳолда ушбу хизматларни сотиш йўллари аниқлаши керак. Дастур ишлаб чиқаётганда банкнинг узоқ муддатли самарали фаолиятини таъминлаш заруратидан келиб чиқиш лозим. Бунинг натижасида маркетинг концепцияси банк режасини тужиш учун янги асос яратади ва асосан банкнинг ички манфаатлари ҳисобга олиб келинган илгариги амалиётни бошқача баҳолашга мажбур қилади.

Замонавий банкнинг стратегик режалаштириш усуллари қўллаш зарурати кундалик фаолиятдаги тавакалчилик даражасининг ошиши, муваффақиятсизликка таъсир этувчи турли омиллар хусусияти, бошқарувнинг ташкилий тизими мураккаблашуви, барча шарт-шароитларни ўта муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратиш зарурати билан боғлиқдир.

Маркетинг тадқиқотлари асосида режалаштириш қуйидаги афзалликларга эга:

- биринчидан, ижрочиларнинг турли гуруҳлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлайди. Бу банкнинг асосий вазифаларини ҳал этиш учун саъй-ҳаракатларни жамлашига имкон беради.
- иккинчидан, фаолияти банк хизматларини яратиш ва сотиш билан боғлиқ кўп сонли таркибий бўлинмалар саъй – ҳаракатини мувофиқлаштиришга имкон беради.

Бозор шароитларида банк ривожланишининг асосларидан бири бўлган маркетинг дастури ва стратегия режалари қуйидаги изчилликда ишлаб чиқилади:

- биринчидан, банк стратегиясининг мақсадлари ва вазифалари аниқланади;
- иккинчидан, реал шароитлар тахлили ва истиқболи асосида баъзи ўта муҳим кўрсаткичларга эришиш даражаси аниқланади;
- учинчидан, бошқарув сиёсатининг турлари ишлаб чиқилади. У ўз навбатида, банк тараққиётининг кутилган ва реал даражаси ўртасидаги фарқни энг кам даражага келтиради;
- тўртинчидан, банк фаолиятида кутилган натижаларга эришишни таъминлайдиган жуда самарали тадбирларни ишлаб чиқиш тартибини ўрнатади.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқотлар натижасида қуйидагилар аниқландики: кейинги йилларда саноат корхоналари ва тижорат банклари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ривожланиб бормоқда. Аммо, банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар асосан кредит ресурсларини ажратиш ва ундан фойдаланиш жараёнини мониторинг қилиш билан чегараланмоқда. Замонавий маркетинг тамойилларини банк хизматиға жорий этиш масалалари хали ечимини кутиб турмоқда.

Биринчидан, банк хизматларини ичида энг кўп даромад келтирувчи кредит ресурсларини беришдан олинаётган фойда 90 % ни ташкил этишиға қарамадан банклар мазкур соҳада ошқоралик яъни миждозларни қизиқтириш учун реклама воситаларидан фойдаланишға ўта сусткашлик билан қарамокдалар. Биз фаолиятини ўрганган АТ Халқ банки Тўрақўрғон филиали амалиётида барча кредит ресурсларини бериш жараёни ошқора ташкил қилинмаган.

Иккинчидан, корхоналар ва хусусий тадбиркорларға қўшимча хизмат турлари: интернет банкинг, клиринг, смс банкинг тўла йлга қўйилмаган.

Учинчидан, кредит бўлими мутахассислари маркетинг фани бўйича малакаға эға эмаслар. Шунинг учун тақдим этилаётган бизнес режалар ёки банк ходимлари тузиб бераётган бизнес режалар мазмуни жихатидан талабға жавоб бермайди. Уларда бизнес режа мақсади бозор тахлиллари нотўғри ёзиб келинади. Натижада муаммоли кредитлар сони кўпайишиға сабаб бўлмоқда.

Тўртинчидан, банк ходимларини замонавий банк хизматларини доимо ўрганиб, ўзлаштириб боришлари учун банкда керакли шарт-шароитлар яратиб берилмаган: хар – хил семинарлар ташкил этиш, интернет сайтларидан фойдаланиш, малака ошириш курсларига юбориш масаласи яхши йўлга қўйилмаган.

Чет мамлакатлар тажрибасига асосланиб бериллаётган кредит суммаларини миждозларнинг хисоб рақамларига тушириб бериш масаласи хал

килинмаган. Юқоридаги мулохазаларни эътиборга олган холда қуйидаги тафсияларни берамиз:

1.Банкда ишлаб турган мутахассисларни банк маркетинги соҳасида малакаларини ошириш ўта долзарб ҳисобланади, чунки мижозлар билан ишлашнинг турли хиллари уларни рағбатлантириш масалалари ва банк хизматларидан тўлароқ фойдаланиш услублари фақат маркетинг стратегиялари асосида амалга оширилиши ривожланган мамлакатлар амалиётида тасдиқланган.

2.Банк фаолиятини – хизматлари турларини айниқса кредит ресурсларидан фойдаланиш жараёнини янада ошқоралаштириш , мижозларга тушунарли реклама воситаларини қўллаш асосида оммалаштириш зарур.

3. Банк ходимларини доимий малака ошириб боришларини таъминлаш учун Халқ банкининг вилоят ва республика бошқармаларидан етук мутахассисларни тизимли равишда келиб хархил мавзуларда семинар ва суҳбатлар ташкил қилишлари лозим деб ўйлаймиз.

4. Банкдан олинган кредитлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун мижозлар тақдим этаётган бизнес режаларини ҳозирги варианти ўта юзаки эканлигини ҳисобга олиб, бизнес режаларида энг аввало мазкур корхона бозорни олдиндан ўрганишни ва сотиш усулларини тўғри аниқлашга эришишни таъминлаш керак.

5. Бизнес режани корхоналар томонидан бажарилиш жараёнини банкда фақат маркетинг мутахассислигига эга бўлган ходим томонидан олиб борилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

6. Ажратилган кредит ресурсларини корхона ва хусусий тадбиркорларни туғридан – тўғри тушириб бериш амалиётини қўлланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

7. Банк мижозларига кўрсатилаётган хизматларни хилма-хиллигини таъминлаш, уларни узоқ муддатли кредитлардан кўпроқ фойдаланишга жалб қилиш ва бунинг самарадорлигини аниқ мисоллар билан тушунтириб бориш зарур.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси “Истеъмол кредитлари тўғрисида”ги қонун 1996 йил
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳақидаги қонун. 1995 йил
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. 1993 йил
5. Ўзбекистон Республикаси Банклар ва банклар фаолияти ҳақидаги қонун. 1994 йил
6. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамияти ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун. 1997 йил
7. Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун. 1998 йил
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хусусий Тижорат банкларни ташкил қилишни рағбатлантириш тўғрисидаги фармони 1997-йил.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микро кредит Банк устав Фондининг кўпайтирилиши тўғрисида” ги фармони. 2001 йил
10. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги қонун. 2002 йил
11. Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека Банк” тўғрисидаги қонуни 2004 йил
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уй жой қурилиш ва уй жой бозорини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2005-йил 16-феврал.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш бўйича чора тадбирлар ҳақида”ги фармони, 2000 йил 21-март.
14. И.А. Каримов. “Ўзбекистонда Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” 2010 йил 14-декабр, www.UzA.uz

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011-2015 йилларда Республика Молия Банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигин ошириш ҳамда, юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишни устувор йўналишлари тўғрисидаги қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012-2016 йилларда хизмат кўрсатиш дастури тўғрисидаги ПҚ-640 сонли қарори. 2011-йил www.Lex.uz
17. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни.
18. А.Солиев Маркетинг, Т:,2008 й, 271.б
19. И.Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Халқ сўзи. 2013 йил 19 январ.18 сон.
20. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
http://www.ziyouz.uz/index.php?option=com_content&view=section&id=6&Itemid=71
21. М.Абдурахманова. Банк хизматлари бозорида маркетинг фаолиятини ривожлантириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т.2010 й. 9.б
22. Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. Учебник.-М.: Финансы и статистика. 2000.—С. 464.
23. М.Абдурахманова. Банк хизматлари бозорида маркетинг фаолиятини ривожлантириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т.2010 й. 10.б
24. Ж.Жалолов. А.Фаттахов ва.б. “Бизнес маркетинги”. Тошкент. “Молия-иқтисод” 2007 й. 163-бет
25. Б.Парпиев. Банкка янги миждозларни жалб этиш ва миждозлар сиёсатини амалга ошириш хусусиятлари. “Иқтисодиёт ва таълим”, 2011 йил,6-сон. 127 б,
26. Ш.Саидбоев. И.Сирожиддинов. Банк менеждменти ва маркетинг. «Наманган»,2011 й. 54 б.

Интернет сайтлари:

www.Gov.uz

www.Iqtisodiyot.uz

www.Stat.uz

www.Lex.uz

www.Pravo.uz

www.Namangan.uz

www.Ziyonet.uz

www.Ziyo.uz

www.Yandex.ru

www.Google.ru

www.Weekipedia.ru.com.

www.UzA.uz.

www.XS.uz.

Markaziy bank - www.cbu.uz

"Asaka" banki - www.asakabank.uz

Qishloq qurilish bank - www.qishloqqurilishbank.uz

Ipoteka-bank - www.ipotekabank.uz

Mikrokreditbank - www.mikrokreditbank.uz

O'zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy faoliyat milliy banki - www.nbu.uz

Agrobank - www.agrobank.uz

O'zsanoatqurilishbank - www.uzpsb.uz

Xalq banki - www.xb.uz